

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

А.Азизхўжаев, О.Ҳусанов, Х.Азизов

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ

(ИЗОҲИ ЛУҒАТ)



«Академия»

Тошкент - 2001

Масъул муҳаррир:

А. АЗИЗХЎЖАЕВ, юридик фанлари доктори, профессор.

Академиянинг Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. - Т. «Академия», 2001 й. 160 б.

Ушбу изоҳли луғатда Конституция, конституциявий ҳуқуқ ва конституциявий ҳуқуқ фанида учрайдиган атама-ларга изоҳ берилган. Мазкур изоҳли луғат Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойишида қўйилган вазифа – Конституциянинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини чуқур ўрганишга ёрдам беради. Луғат мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари, давлат хизматчилари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 67.401я2

© «Академия» нашриёти, 2001 йил.

Конституция нима ва уни ўрганиш нима учун керак?

Конституция инсоният тарихида, тараққиётнинг маълум босқичида эзуликнинг разиллик устидан, янгиликнинг эскилик устидан, адолатнинг зўравонлик устидан, эркинликнинг ҳақсизлик устидан, тараққиётнинг тўскинлик устидан ғалабаси сифатида вужудга келган ҳужжатдир.

Конституция қабул қилиниши билан жамият аъзолари турли тазйиқлардан, камситилишлардан, кийноқ ва азоблардан сақланиш имкониятига эга бўла бошладилар. Конституция давлат ҳокимиятини, унинг асосиз, чексиз зўравонлигини жиловлаш имкониятини берди. У халқнинг, фуқароларнинг тафаккури, интилиши, ҳамжиҳатлиги маҳсули бўлди.

1787 йилда дунёда биринчи бўлиб АҚШда Конституция қабул қилингандан кейин, кўплаб мамлакатларда Конституция қабул қилина бошланди. Бу жараён турли мамлакатларда турлича кечди. Баъзи мамлакатларда қон тўкилишлар ҳам бўлди. Халқ кўчага “Конституция учун” деб аёвсиз курашга чиқди.

Азалдан жуда қийналгани, кадрсизлангани, таҳқирланганлиги Оллоҳ таоло томонидан инобатга олиними, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тинч йўл билан, қон тўкишларсиз, ларзасиз ўз Конституциясига эга бўлди. Албатта, биз ярат-

ганнинг қудратини, раҳмлиллигини, ўзи ярлақан халққа иноят қилишига шак келтирмаган ҳолда Конституцияга эга бўлишимизла шу ишнинг бошида турган шахс — давлат бошлиғимизнинг хизматини алоҳида таъкидлашимиз ва ҳеч қачон эслан чиқармаслигимиз керак. Конституциянинг қандай бўлиши у кишига қўп жиҳатдан боғлиқ бўлди. Дунёда давлат бошлиғи Конституцияни ўзига мослаб, ўзига қулай қилиб қабул қилган мамлакатлар ҳам кам эмас.

Ўзбекистонда Конституциянинг ишлаб чиқиши ва қабул қилинишида давлат бошлиғи ўзи учун қулай шароитни ўйлагани йўқ. Аксинча, ўзқўн қўзлагани, халқ, мамлакат манфаатини ўстун қўйганлиги ҳаммамизга аён. Ўз Конституциямизни ишлаб чиқиш, қабул қилиш бизга фақат имкониятлар берибгина қолмади, бу катта масъулиятни ҳам вужудга келтирди. Биринчи марта Ўзбекистонда ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, иқтисолчилар, депутатлар конституция ишлаб чиқиш ва қабул қилишдек масъулиятли, мураккаб, кенг қамровли ишга тўқнаш келди. Аввалги мавжуд бўлган: 1927, 1937, 1978 йилги Конституцияларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ҳеч қандай қийинчилик, муаммолар бўлмаганди, чунки улар иттифокда белгиланар, Ўзбекистонда эса номига қабул қилинар эди. Амалдаги конституцияни қабул қилиш ўз чекимизга тушди. Бу конституциянинг талабга жавоб берадиган шаклда бўлиши, у жаҳон андозаларига тўғри келиши, умумэътироф этилиши учун лойиҳа тайёрлашда мақсаднинг тўғри қўйилганлиги катта роль ўйнади.

Лойиҳани ишлаб чиқишда комиссия раиси томонидан қўйилган вазифалар: конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш; бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия соҳасида қўлга киритган ютуқларини ҳисобга олиш; миллий давлатчилигимиз анъаналаридан фойдаланиш орқали кенг халқ оммаси дилига яқин ва тушунарли бўлган ҳужжат яратиш вазифаси тўла бажарилди.

Конституция лойиҳаси комиссия томонидан тайёрланди ва Парламентда қабул қилинди. Бу ишда кенг халқ оммаси иштирок этди. Халқимизнинг энг иқтидорли, билимли вакиллари лойиҳа ишловчи комиссия, ишчи гуруҳлари таркибига киритилди. Тайёрланган лойиҳа муҳокамасида аксарият кўнчилик фуқароларимиз иштирок этишди. Муҳокама икки босқичда ўтди. Биринчи марта 1992 йил 26 сентябрда муҳокамага қўйилган лойиҳа юзасидан тушган таклиф ва истаклар ўрганилиб, лойиҳага ўзгартиришлар киритилди ва шу йилнинг 21 ноябрда янги таҳрирда муҳокама учун эълон қилинди. Бу - конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга Ўзбекистоннинг ўзига хос ёндашуви, айтиш мумкинки, Конституция қабул қилиш жаҳон тажрибасига Ўзбекистоннинг қўшган ҳиссаси бўлди.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, муҳокама ҳақиқий демократик, эркин ва ошкора ўтди. Оммавий ахборот воситалари ҳар қандай фикрни тўсиқсиз, ўзгаришсиз эълон қилди. Телевидение ва радиода мунтазам тўғридан-тўғри муҳокамага бағишланган

эшиттиришлар ташкил қилинди. Ҳеч ким фикрлари учун ҳеч қандай қувғинга, тазйикқа учрамади. Шу даврда ўзини мухолиф сановчи гуруҳ ва шахсларга ҳам ўз фикрларини билдириш имкони берилди. Конституциянинг умумхалқ муҳокамасида 6 мингдан ортиқ таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Лойиҳадаги 127 моддадан 60 тасига тузатиш ва ўзгартиришлар киритилди. Дастлабки матндан 4та модда чиқариб ташланди ва ўз навбатида янги моддалар киритилди. Олий Кенгаш сессиясида ҳам лойиҳа кенг муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан 80га яқин ўзгартириш, кўшимча ва аниқликлар киритилди. Шунитўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, амалдаги Конституциямиз халқ ижоди, ҳуқуқий онги ва маданияти, донолиги, тафаккури маҳсулидир. Конституциянинг асосий ижодкори, эгаси халқдир.

Ҳозирги кунга келиб Конституцияни чуқур ўрганиш масаласи кун тартибида пайдо бўлди. “Нима учун Конституцияни ўрганиш керак?” деган саволга ҳам давлат бошлиғи Конституциянинг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида аниқ ва лўнда қилиб, “Минг афсуски бу сир эмас — кўпчилигимиз Конституциянинг маъно-мазмунини яхши билмаймиз, уни синчиклаб ўрганмаймиз. Ваҳоланки, агар Конституциямизнинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чақсак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин” деб жавоб берди.

Ҳақиқатан ҳам Конституция давлатнинг асосий қонуни бўлса ҳам, у фақат давлатга эмас, фуқаро-

ларга хизмат қилиши керак. Давлат Конституциясиз ҳам яшай олади. Яшаганда ҳам конституция йўқ бўлса, унинг фаолияти чекланмаган даражада амалга ошади. Бундан фуқаролар азият чекади. Конституция ана шу азият, зўравонлик бўлмаслиги учун ҳам керак.

Унда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқи, фуқаролар олдида давлатнинг бурчи, фуқаролар билан давлат муносабати ҳамда фуқаролар манфаатининг устунлиги белгиланади. Конституция бўлмаса, ёки фуқаро бор конституцияни чуқур билмасак, у ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайди ёки ҳимоя қилиши жуда қийин кечади.

Шунинг учун яна фуқаролар манфаатидан келиб чиқиб, Конституцияни ўрганишни давлат сиёсати даражасига кўтариш мақсадида Республика Президенти “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” махсус Фармойиш қабул қилди. Унга асосан, Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, маъно-мазмун ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида Ўзбекистон Конституцияси бўйича болалар ва ўқувчиларда мустаҳкам билимларни шакллантириш ҳамда Конституция моҳиятини кенг омма онгига синдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш, унинг асосида махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва тегишли методикаларни тайёрлаш бўйича комиссия тузилди. Комиссия

зиммасига жуда масъулиятли вазифалар юкланди.

Конституция бу ҳуқуқий ҳужжат, унинг мазмун-моҳияти, вазифаси, ҳуқуқий табиати, нормаларини чуқур билгандагина у ҳар биримизга наф келтириши, уни ҳурмат қилишимиз, у билан фахрланишимиз мумкин. Акс ҳолда у бошқа олдий қоғоздан фарқ қилмайди.

Конституция орқали нималарни билишимиз керак. Буни шартли иккига бўлишимиз мумкин. Биринчидан, ҳамма билиши керак бўлган масалалар ва, иккинчидан, айрим шахслар чуқурроқ билиши керак бўлган масалалар.

Ҳамма билиши керак бўлган масалалар:

Биринчидан, Конституциянинг мазмун-моҳиятини билиш. Конституциямиз мустақиллик маҳсули бўлиб, унга халқимиз руҳияти, ахлоқи, маънавияти, иродаси, орзу-истаклари сингдирилган. Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда халқнинг четда турмасдан фаол иштирок этиши унинг халқчил, инсонпарвар бўлишини ва ҳеч қандай хатоликларга йўл қўймаслигини назарда тутмоқ жоиздир. Конституция халқ ижодкорлиги, дунёқароши, билими маҳсулидир. Шунингдек, мустақиллик ғояларининг акс этиши Конституция мазмун-моҳиятини бойитади.

Иккинчидан, Конституциянинг аввалги конституциялардан фарқини билиш. Бу конституциянинг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ билишга олиб келади. Бунда, энг асосийси, амалдаги Конституциямиз аввалги Конституциялардан ўзида инсон

манфаатларини устун қўйиши билан фарқ қилиб, бунда демократик, ҳуқуқий давлатларга хос кўп-партиявийлик, ҳокимият бўлиниши принципи, фикрлар хилма-хиллиги, ўзини ўзи бошқарув, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ва жамият олдидаги масъуллиги, бозор муносабатлари принциплари ва ғоялари мустаҳкамланган.

Учинчидан, Конституциянинг аҳамиятини билиш зарур. Конституция, конституциявий давлат тузумини ўрнатиб, унга мос ҳокимият тизими ва уларни амалга оширувчи давлат органлари тизимини белгилар экан, бу энг аввало, инсон манфаати учун қилинганлигини англаш зарур. Конституция фуқароларни ҳар қандай тазйик, адолатсизлик, зўравонликдан сақлаб қолувчи восита, шунинг учун бундай салбий ҳолатларнинг олдини оладиган Конституциядаги барча қоида ва нормаларни билиш даркор. Конституция бошқа қонунлар учун асос бўлишини, бошқа қонунлар эса Конституцияга зид бўлмаслигини билиб олиш зарур. Шунда қандайдир сабаб билан бошқа қонунларда фуқаролар манфаати бузилса, унга Конституция рўқач қилиниши ва бузилган ҳуқуқ тикланиши мумкин. Шунингдек, Конституция тинчлик-осойишталикни сақлашда ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, бу осойишталикни таъминловчи нормаларни албатта билиш керак.

Тўртинчидан, Конституциянинг асосий тамойиллари ва хусусиятларини билиш зарур. Конституциянинг тамойил ва хусусиятлари унинг демократик, инсонпарвар хусусиятини кўрсатувчи

асосий белгилардир. Конституция принциплари хисобланувчи - давлат суверенитети, халқ хокимиятчилиги, қонунийлик, Конституция ва қонуннинг устунлиги, демократизм, инсон манфаатларининг устуворлигини билиш зарур.

Буларни билиш орқали мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, давлатнинг жамиятдаги ўрни ва, энг муҳими, фуқароларнинг жамиятдаги ўз ўрнини билиш имконияти туғилади. Хокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ эканлиги, малакали, тўғри ва самарали амалга ошириши учун хокимият давлатга ишониб топширилганлиги, хокимиятни амалга ошириш учун давлат томонидан шароитлар яратиб берилиши ҳақида ҳам тасаввур ҳосил бўлади. Ана шу принципларга тўла амал қилгандагина бош мақсад — инсоннинг олий қадрият даражасига кўтарилиши билиб олинади.

Бешинчидан ва бу энг асосийси, инсон ўзининг ҳуқуқий ҳолатини аниқ билиши учун Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинлик-ларни, уларнинг кафолатларини ҳамда бурчларини ўрганиши зарур. Бунинг натижасида фуқаролар ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни, ҳуқуқ, эркинликлари бузилган тақдирда уларни тиклаш учун қандай ҳаракат қилишни, давлатдан, унинг тузилмаларидан, мансабдор шахслардан нима талаб қилишни билиб оладилар. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни яхши билиш, инсон ҳуқуқларининг бошқа ҳужжатлар билан камситилишига

тўсқинлик қилади. Ҳуқуқ ва эркинликларни билиш белгиланган ҳуқуқларни конституцияда белгиланган қоидалардан ташқари ҳеч қандай асосда ва тартибда чеклаш мумкин эмаслиги ҳақида фуқароларга тушунча беради. Конституциявий кафолатларни яхши билиш - ҳуқуқ ва эркинликлар кучли воситалар орқали таъминланиши ҳақида тасаввур ҳосил қилади ва ҳар бир фуқарода давлатга, келажакка ишонч ҳосил бўлади. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни билиш фуқароларга ор-номуси, кадр-қиммати, дахл-сизлиги, эркинлигини рўёбга чиқаришга, сиёсий ҳуқуқларни билиш сиёсий ҳаётда, давлат бошқарув ишларида самарали, онгли иштирок этиш, иқтисодий ҳуқуқларни билиш турмушини тўғри ташкил қилиш, фаровонликка эришишда ёрдам беради. Конституцияда ўрнатилган бурчларни билиш баъзи ҳаракатларни содир этишдан тийилиш, баъзи ҳаракатларни албатта онгли равишда амалга оширишга олиб келади. Натижада, ҳар бир фуқаро жамиятдаги ўз ўрнини аниқ билади ва тақдири биринчи навбатда ўзига боғлиқлигини ҳис қилади, бу эса Конституцияни муқаддас деб қарашга олиб келади.

Олтинчидан, Конституциявий тузум, унинг асосларини, давлат шакли ва бошқарув шаклини, ҳокимиятни амалга оширувчи органлар тизими ва уларнинг фаолиятини билиш керак. Конституциянинг бу масалалар ҳақидаги нормаларини билиш, фуқароларнинг дунёқарашини кенгайтириб, давлатга, унинг томонидан ўрнатилган тартибларга, ҳокимият органлари тизимига ҳурмат ҳиссини

вужудга келтиради. Улар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш давлат ва жамият ишларида онгли, фаол иштирок этишни, давлат тузилмалари, мансабдор шахслар фаолияти устидан назорат қилишда иштирок этишини таъминлайди. Ҳамма шахс ва фуқаролар юқоридагиларни билиши ижобий ҳолатларга олиб келади.

Конституцияда айрим шахслар чуқурроқ билиши зарур бўлган қоидалар ҳам мавжуд.

Давлат хизматчилари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлигини; вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексалар ўз ҳуқуқлари давлат томонидан алоҳида ҳимояланишини; хотин-қизлар, бошқа миллат вакиллари тенг ҳуқуқдан фойдаланишини; ота-оналар вояга етмаган фарзандлари ҳақида, вояга етган фарзандлар ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлигини; давлат ва жамият етим болалар ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминланишини; маълум ёшга етган эркаклар Куролли кучлар сафида ёки муқобил хизмат ўташ бурчига эга эканлигини; Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаросиз шахслар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланишини; мансабдор шахслар, депутатлар ўз ваколатлари ҳақидаги нормаларни чуқурроқ ўрганиши ва билиши зарурдир.

Конституция ҳозирги кунгача Ўзбекистонда таълим соҳасида “Конституциявий ҳуқуқ”, “Давлат

ва ҳуқуқ асослари” фанлари орқали ўрганилади. Аҳоли асосан Конституция билан оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар, суҳбатлар натижасида танишади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида тилга олинган Фармойишида Конституцияни ўрганиш учун Конституциявий ҳуқуқ фани билан бирга махсус курслар, методик қўлланмалар, кўргазмалар, қуроқлар ва бошқа ўқув материаллари яратиш кўзда тутилган. Мазкур изоҳли луғат ана шу Фармойишдаги кўрсатмаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида тайёрланди. Шунингдек, ушбу луғатда Конституциявий ҳуқуқ фани, Конституцияни ўрганишда ишлатиладиган атамаларга изоҳлар берилган бўлиб, у мактаб ўқувчисидан тортиб кенг китобхонлар оммасигача тушунарли тилда берилган. Ундаги тушунчалар Конституцияни чуқурроқ англашга кенг имконият яратади.

А

АБСЕНТЕИЗМ - жаҳон конституциявий ҳуқуқида учрайдиган атама бўлиб, сайловда овоз беришда ва референдумда ихтиёрий қатнашмасликни билдиради. Хорижий мамлакатлар тажрибасида учрайди. Кўплаб сайлов ҳуқуқига эга шахслар овоз беришда иштирок этмайди. Чунки ким депутат бўлиши, давлат бошлиғи бўлиши, масала қандай ҳал қилиниши — сайловчиларни қизиқтирмайди. Ўзбекистонда абсентеизм — овоз беришдан ихтиёрий воз кечиш ҳоллари жуда кам. Сайловчилар юқори фаоллик билан овоз беришда иштирок этади. Охириги парламент ва Президент сайловида 90 фоиздан ортиқ сайловчи овоз беришда иштирок этди.

АВФ ЭТИШ - шахснинг содир этган жинояти учун тайинланган ёки тайинланадиган жазони ўташдан озод этиш, яъни кечириш. Бунда ҳар бир кишининг шахси, аввалги хизматлари, ўзини тутиши, яхши йўлга кирганлиги, жиноятнинг характери (оғир-енгиллиги), етказилган зарар ҳамда кечирим сўраш ҳақидаги илтимослари эътиборга олинади. Авф орқали шахс жазонинг ҳаммасини ўташдан ёки ўталмаган қисмини

ўташдан озод қилиниши мумкин. Авф эълон қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентига тегишлидир. (Конституциянинг 93-модда, 20-банди)

АДЛИЯ (ЮСТИЦИЯ) - барча суд ташкилотлари, уларнинг фаолияти, одил судловни таъминлашнинг йиғиндиси сифатида ишлатиладиган атама. Ўзбекистонда адлия ишлари - Адлия вазирлиги томонидан юритилади. Унда судловдан бошқа фаолиятлар ҳам мавжуд. Масалан, қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини экспертиза (баҳо бериш) қилиш; адвокатура, нотариат, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш идоралари фаолиятига раҳбарлик қилиш.

АДОЛАТ (ОДИЛЛИК) - ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияси. Адолат натижасида тенгликка эришилади, инсонпарварлик таъминланади. Адолат асосига қурилган жамиятда фуқаролар ўртасида, давлат билан фуқаролар ўртасида ижобий муносабатлар ўрнатилади. Фуқароларнинг яхши турмуш кечиришига, моддий неъматлардан кенг фойдаланишига имконият яратилади. Адолат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз ўрнини топгандагина одиллик ҳукм

суради. Жамиятда яшовчи кишилар эртанги кунга ишонч билан қарайди. Қонунларнинг тўғри қўлланилишида ҳам адолатга асосланилса, иш тўғри йўлга қўйилиб, қонунлардан барча бирдек наф кўради. “Куч адолатдадир” деган Амир Темур сўзларининг маъноси кенг ва чуқурдир. Адолатга таянмаган куч эса зўравонликдир. Бизнинг жамиятимизда адолат - қонун кучига таянади ва қонун билан бирлашиб, кучли адолат вужудга келади. Ана шундай адолатдангина жамиятнинг барча аъзолари манфаатдор бўлади.

АКТИВ САЙЛОВ ХУҚУКИ (сайлаш ҳуқуқи)- сайлаш ҳуқуқига маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўлади. Ўзбекистонда сайлаш ҳуқуқига 18 ёшга етган барча фуқаролар эгадирлар. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдаланмайди. Яъни, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади.

АМНИСТИЯ - муҳим саналар, байрамлар муносабати билан жиноят содир этганлар ҳамда жинояти учун жазони ўтаётганларни

умумий авф этиш (кечириш). Амнистия (умумий авф) ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон чиқаради. (Конституциянинг 93-модда, 20-банди). Мамлакатимизда Мустақиллик куни, Хотира куни муносабати билан амнистия эълон қилинади. Бу - адашиб жиноят содир этганларнинг давлатга, жамиятга ишончини кучайтирувчи восита. Амнистия қоида тариқасида, биринчи марта, унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга, аёлларга, ногиронларга, кексаларга, вояга етмаганларга қўлланилади. Амнистия жазодан озод қилиш ёки жазони камайтиришни кўзда тутди. Оғир жиноят содир этганларга, ўта хавфли шахсларга амнистия қўлланилмайди. Ҳар бир аниқ ҳолатда жазо ўтаётганлар амнистия орқали жазодан озод этилиши, кимларнинг жазо муддати қанча қисқартирилиши, кимларга амнистия татбиқ қилинмаслиги Президент фармонида аниқ кўрсатилади.

АРМИЯ - ҳар қандай давлатнинг ўз мустақиллигини ташқи тажовузлардан сақлашининг асосий воситаларидан ҳисобланувчи қуролли кучларидир. Армиянинг таркиби, сони давлат томонидан эҳтиёж ва имкониятларига қараб белгиланади. Армия давлатни

давлат сифатида кўрсатувчи белгилардан биридир. Армияда доимий хизмат қилувчилар ва муддатли хизмат қилувчилар бўлади. Ўзбекистон ўз хавфсизлигини кўзлаб, профессионал армия тузишни мақсад қилиб қўйган. Армия фаолияти, қуролли кучлар турлари махсус ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

АСОСИЙ ҚОНУН - Конституцияга нисбатан ишлатиладиган атама. Конституциянинг синоними, фақат Конституциягина асосий қонун ҳисобланади. Айрим мамлакатларда (Монголияда), бошқа махсус қонунларга нисбатан ҳам асосий қонун атамаси ишлатилади. Ўзбекистонда асосий қонун битта - у ҳам бўлса Конституциядир.

АХБОРОТ ОЛИШ ЭРКИНЛИГИ - Ўзбекистон фуқароларининг бу эркинлиги фуқаролар ўзи истаган ахборотларни излаши, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор бўлган ҳужжат ва бошқа материаллар билан танишиш учун имконият яратиб бериши демакдир.

АХЛОҚ - кишиларнинг бир-бирига, оилага, Ватанга, жамиятга бўлган муносабатларида

намоён бўладиган хатти-ҳаракатлар йиғиндиси дир. Ахлоқ ҳар бир кишининг хулқини, ички дунёсини кўрсатади. Ахлоққа миллий урф-одатлар, анъаналар таъсир қилади. Баъзи миллат кишилари ўртасидаги муносабатларда оддий ҳол деб қараладиган хатти-ҳаракатлар бошқа миллатлар ахлоқ қоидаларида рад этилиши мумкин. Ахлоқнинг юксак даражада бўлиши жамиятнинг ривожига бевосита таъсир қилади ёки аксинча. Ахлоқ ахлоқ нормалари билан тартибга солинади, улар ҳуқуқий нормалардан фарқ қилиб, мажбурий характерга эга эмас. Ахлоқий нормалар урф-одат, намуна кучи, жамоатчилик фикри таъсирида вужудга келади. Ахлоқий нормаларни бажариш ихтиёрий, виждонга боғлиқ. Унинг бузилишига нисбатан оммавий қоралаш, жамоат иззаси қўлланилади. Ахлоқ ишонтириш, тушунтириш билан таъминланади. Президентимиз таъкидлаганидек “Ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги”. Ахлоқ маънавиятнинг амалидир. У инсоф ва адолат туйғуси, иймон ва ҳалоллик каби тушунчалар билан боғлиқ.

АХЛОҚИЙ НОРМАЛАР - қаранг: *Ахлоқ*.

Б

БЕВОСИТА ДЕМОКРАТИЯ - демократиянинг бир шакли бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда, давлат ишларида бевосита - яъни шахсан иштирок этишидир. Бевосита демократиянинг кўринишларига сайловда овоз бериш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиш, қонун лойиҳалари ва бошқа тadbирларнинг муҳокамаси, референдум (умумхалқ овози), фуқаролар йиғини ишларида ҳамда давлат органларига таклифлар киритишда иштирок этиш ва бошқалар киради.

БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ - Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларидан ҳисобланади. Унга асосан ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистонда умумий таълим олиш бепул, яъни умумий таълим олиш учун ҳақ тўланмайди. Умумий таълимга эга ҳар бир киши олий ва ўрта махсус таълим олиш ҳуқуқига эга, бу таълим белгиланган синовдан ўтганлар учун бепул, қолган шахслар пул тўлаш билан билим олишни давом эттириши мумкин. Билим олиш ҳуқуқи умумий мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари фаолияти орқали

таъминланади. Бундан ташқари аспирантура ва докторантурада ҳам билим олиш мумкин. (Конституциянинг 41-моддаси).

БИРЛАШИШ ҲУҚУҚИ - бу сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, сиёсий ва бошқа характердаги бирлашмаларга бирлашиш имкониятидир. Ҳар қандай иттифок ва ассоциацияларга бирлашиш ҳам шу ҳуқуқ орқали амалга ошади. Конституциявий тузумга, фуқаролар манфаатига зиён келтирувчи ташкилотларга бирлашиш тақиқланади.

БОШ ВАЗИР - Ўзбекистон Республикасида ҳукумат ишини ташкил қилувчи, уни йўналтириб турувчи юқори мансабдор шахс. У биринчи ўринбосар ва ўринбосарларига эга. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири Президент томонидан тайинланади ва Олий Мажлисда тасдиқланади. (Конституциянинг 78-моддаси 16-банди, 93-модда, 9-банди). Лавозимдан озод қилиш ҳам шу зайдда амалга оширилади. Кўпгина мамлакатларда Бош вазир ҳукумат бошлиғи бўлиб, у ё давлат бошлиғи — Президент томонидан тайинланади (Россияда) ёки парламентда кўпчилик овоз олган партия раҳбари ҳукумат бошлиғи бўлади (Англияда).

БОШҚАРУВ ШАКЛИ - қаранг: *Давлат бошқарув шакли.*

БУРЧ - қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган айрим ҳаракатларни содир этиш, айрим ҳаракатларни содир этишдан эса тийилишдир. Бурчни бузиш турли жавобгарликларга тортиш ва жазолашга сабаб бўлади. Бурч ихтиёрий бажарилганда жамият тараққиётига ижобий таъсир қилади.

В

ВАЗИР - мансабдор шахс, миллий давлатчилик тарихимизда давлат бошлиғи тайинлайдиган ва турли соҳаларни бошқаришда унга ёрдам берувчи амал эгаси бўлса, ҳозирги кунда вазир мамлакатимизда турли тармоқ ва соҳаларни бошқарувчи марказий идоранинг бошлиғидир. Вазирлар Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, бу ҳақдаги фармон Олий Мажлис томонидан тасдиқланади (Конституциянинг 78-модда, 16-банди, 93-модда, 9-банди).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ - қаранг: *Ҳукумат.*

ВАЗИРЛИК - Ўзбекистон Республикасида алоҳида тармоқ ва соҳаларни бошқарувчи марказий идора органидир. Масалан, ички ишлар - Ички ишлар вазирлиги томонидан, соғлиқни сақлаш - Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан идора этилади. Вазирликни вазир бошқаради. Янги вазирликлар тузиш, эскиларини бекор қилиш Президент томонидан амалга оширилиб, унинг бу ҳақдаги фармони Олий Мажлисда тасдиқланади (Конституциянинг 93-модда, 8-банди).

ВАКИЛЛИК - бирор-бир орган ёки ташкилотда маълум жамоа, гуруҳ ёки фуқаролар номидан иш юритиш. Вакиллик қонунларда белгиланиб қўйилиши мумкин. Масалан, Конституциянинг 10-моддасида Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин деб кўрсатилган. Булар халқ номидан вакиллик қилиши учун бошқа ҳеч қандай ҳужжатга муҳтож эмас. Бошқа ҳолларда эса вакиллик учун ҳужжат талаб қилинади.

ВАКИЛЛИК ДЕМОКРАТИЯСИ - демократиянинг бир шакли бўлиб, давлатни бошқаришда, давлат ва жамоат ишларида

фуқароларнинг вакиллари орқали иштирок этишидир. Вакиллик демократиясининг ёркин ифодаси халқ депутатлари бўлиб, улар сайловчиларнинг вакилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам халқ вакилидир. Вакиллик демократияси амал қидиши натижасида фуқароларнинг аксарият кўпчилиги давлат ва жамиятни бошқаришда, уларнинг фаолиятида кенг иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ - ҳокимиятни амалга оширишнинг бир тури. Вакиллик ҳокимиятини мамлакатимизда Олий Мажлис ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари амалга оширади. Уларнинг аъзолари - депутатлар халқ вакилларидир. Ваколатни халқдан олган депутатлар Олий Мажлис ва кенгашдаги фаолияти орқали ҳокимиятни рўёбга чиқаради. Ўзбекистон Республикаси вакиллик ҳокимияти тизими: Олий Мажлис, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларидан иборат.

ВАКОЛАТ - бир шахсга, яъни вакилга бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан ва унинг манфаатини кўзлаб, битим тузиш ва бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш учун берилган ху-

қукдир. Ваколат ёзма ваколатномага асосланади ёки тўғридан-тўғри қонунда кўзда тутилади, ёхуд маъмурий акт билан белгиланади. Вакил унга берилган ваколат доирасидан чиқмаслиги зарур. Ваколат жисмоний ва юридик шахсларга ҳам, жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳам берилиши мумкин. Давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ваколатлари қонунларда белгилаб қўйилган.

ВЕТО - бирор бир ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини тўхтатиб қўйиш. Бу қўпроқ Парламентда қабул қилинган ҳужжатларга нисбатан давлат бошлиғи томонидан қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис қабул қилган қонунларни, у билан келишмаса, имзоламай. Олий Мажлисга қайта қўриб чиқиш учун қайтариши мумкин. (Конституциянинг 93-модда, 14-банди)

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ - фуқароларнинг динга муносабати; ҳар қандай шахс хоҳласа динга эътиқод қилади (ишонади), хоҳламаса эътиқод қилмайди (ишонмайди) ёки ўзи танлаган динга эътиқод қилади. Динга ишониш ёки ишонмаслик учун таъқиб қилинмаслик, жазоланмаслик, камси-

тилмаслик виждон эркинлигининг амалда бўлишидир. Бирор-бир динга эътиқод қилишга мажбурлаш ҳам, виждон эркинлигига зиддир. Виждон эркинлиги дунёвий давлат принципларидан келиб чиқади. (Конституциянинг 31-моддаси).

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР - шахс 18 ёшгача баъзи соҳаларда мустақил иштирок эта олмайди. Улар учун баъзи ишларни уларнинг ота-оналари, вакиллари амалга оширади. Вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат томонидан алоҳида муҳофаза қилинади. (Конституциянинг 45-моддаси). Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. (Конституциянинг 64-моддаси).

Д

ДАВЛАТ - ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг ҳаракатланишида муҳим роль ўйновчи алоҳида бир ташкилотдир. У ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва ўзига тегишли ваколатни ўзининг махсус тузилмалари - давлат ор-

ганлари орқали амалга оширади. Давлат халқ манфаатини кўзласа, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, хўжалик юриштишда эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, халқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётга тўсқинлик қилса, зўравонлик билан иш олиб борса - реакция давлат ҳисобланади. «Давлат» сўзи кўпинча «мамлакат» сўзи ўрнида ҳам ишлатилади. Масалан, айрим ҳолларда “мамлакатимиз” деган сўз ўрнида “давлатимиз” деган сўзларни учратишимиз мумкин. Давлатнинг кўрсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари - фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат қонун яратади ва ўзи ҳам қонунларга бўйсунди.

ДАВЛАТ АППАРАТИ - кенг маънода, давлат функцияси ва давлат ҳокимиятини амалга оширадиган органлар тизими. Тизим - ҳамма давлат органларининг йиғиндиси. Тор маънода, ижро ҳокимияти органлари йиғиндиси.

ДАВЛАТ БАЙРОҒИ - Давлат рамзларидан бири бўлиб, давлатнинг ажратиб турувчи белгиси. У мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республиканинг табиатига хос бўлган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ақс эттиради. Байроқ махсус қонун билан тасдиқланади ва қаерларда, қачон ўрнатиб қўйилиши белгиланади. Байроқнинг кўриниши, ранги, ундаги белгиларнинг чуқур маъноси бор. Ўзбекистон байроғидаги мовий ранг Шарқда азалдан қўлланган бўлиб, осмон ва мусаффо сув рамзидир, оқ ранг тинчлик ва поклик тимсоли, қизил чизиқлар ҳаёт рамзи, томирлардан оққан қон ранги, яшил ранг Ўзбекистоннинг гўзал табиати рамзи. Яримой ва юлдузлар - мусаффо осмон ва тинчликни билдиради. Байроқ мамлакатимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажагининг ёрқин рамзидир. Байроқ ҳақидаги қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган.

ДАВЛАТ БЕЛГИЛАРИ - бу давлатни мустақил мамлакат сифатида эътироф этиш учун сабаб бўладиган тушунчалардир. Мус-

тақил давлат бўлиш учун ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди, Конституцияси, аҳолиси (халқи), давлат рамзлари, фуқаролиги, армияси. олий ҳокимият органлари, пул бирлиги бўлиши зарур.

ДАВЛАТ БОШЛИҒИ - мамлакатдаги бош мансабдор шахс бўлиб, давлатнинг олий вакили. Айрим ҳолларда ижро этувчи ҳокимият ҳам унга тегишли бўлади (Ўзбекистонда). Монархия шаклидаги давлатларда давлат бошлиғи монарх (қирол, подшо, император) бўлиб, у наслдан-наслга ўтади. Республика шаклидаги давлатларда давлат бошлиғи Президент бўлиб, у бевосита фуқаролар томонидан сайланиши (Ўзбекистон, Россия, Франция), фуқаролар вакиллари томонидан поғонали асосда сайланиши (АҚШ, Аргентина) ёки Президент сайлаш учун ташкил қилинган орган томонидан сайланиши (Германияда) ёхуд Парламент томонидан сайланиши (Чехияда) мумкин. Президентлик Республикасида президент бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳам бошлиғи бўлса, Парламентар республикада у фақат давлат бошлиғи бўлади, ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа шахс бошқаради. Давлат бошлиғининг ваколатлари Конституцияда белгиланади.

ДАВЛАТНИНГ БОШҚАРУВ ШАКЛИ - ҳокимиятни ташкил қилиш олий органларнинг ваколатлари, улар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ бўлади. Давлатнинг бошқарув шаклини аниқлашда энг муҳим белги - давлат бошлиғининг ҳуқуқий мақоми қандайлиги, у давлат бошига қандай йўл билан келиши ҳисобланади. Дунёдаги барча мамлакатлар бошқарув шаклига қараб иккига: республика ва монархияга бўлинади. Республика шаклидаги давлатларда давлат бошлиғи сайланиш йўли билан ҳокимият тепасига келади. Улар маълум муддатга сайланади, яъни ўзгариб туради ва кўп мамлакатларда - Президент деб номланади. Давлатнинг монархия шаклида эса давлат бошлиғи наслдан - наслга ўтади, яъни давлат бошлиғи - монарх ҳисобланади. Улар турли номлар билан аталади, масалан Саудия Арабистонида - подшоҳ, Японияда - император, Англияда - қирол. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг бошқарув шакли - республика ҳисобланади ва давлат бошлиғи Президентдир.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ - аҳолининг нормал турмуш тарзи, давлат органлари фаолиятини таъминлаш ҳамда давлат функциясини амалга оширишга хизмат қилувчи,

маълум усулда шаклланадиган ва сарфланадиган пул манбаси. Давлат бюджети ҳукумат томонидан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

ДАВЛАТНИНГ ВАЗИФАСИ - мамлакатнинг нормал ривожланишини таъминлаш ҳисобланади. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодни ташкил қилиш натижасида фаровон ҳаётни яратиш демакдир. Мамлакатнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам давлатнинг вазифасидир. Давлат ўз вазифасини бажариш жараёнида чет мамлакатлар билан алоқалар ўрнатади ва ўз фуқароларининг манфаатини чет мамлакатларда ҳам ҳимоя қилади.

ДАВЛАТ ГЕРБИ - давлат рамзларидан бири, давлатнинг расмий эмблемаси бўлиб, муҳрларда, турли ҳужжат нусхаларида, пул бирлигида акс эттирилади. Унинг кўриниши махсус қонун билан белгиланади. Ўзбекистон Гербининг марказидаги Ҳумо куши - бахтсаодат ва эрксеварлик рамзи, саккиз қиррали юлдуз республикамизнинг собит ва барқарорлиги тимсоли, қуёш - йўлимизнинг ҳамisha нурафшон бўлиши, бошоқ - ризқ-рўзимиз, пахта — Ўзбекистон бойлиги, буғ-

дой ва пахта чаноғидаги тасма - халқларимиз дўстлиги рамзидир. Герб ҳақидаги қонун 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.

ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ - Ўзбекистон фуқаролари давлат ишларин бошқаришда бевосита ҳамда вакиллаш орқали иштирок этадилар. Давлат ишларин бошқариш ҳуқуқи умумлашган ҳуқуқ бўлиб, бу ҳуқуқ бошқа сиёсий ҳуқуқлар орқали (сайлов ҳуқуқи, сиёсий партияларга аъзо бўлиш, референдум, умумхалқ муҳокамасида иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларда) амалга ошади.

ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ - Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзи бўлиб, Давлат мадҳиясига зур эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир. Мадҳия мусиқа ва шеър воситасида ифодалангани ҳамда давлат органлари томонидан ўтказиладиган тантанали маросимлар ва бошқа тадбирлар вақтида ижро этилади. Мадҳия махсус қонун билан тасдиқланади. Ушбу қонун 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси

Серкуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиклол машғали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ - давлатнинг вазифа-
ларини амалга оширувчи тузилмалардир.
Давлат ҳокимияти алоҳида турдаги давлат
органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат ҳокимиятининг шохобчаларга бўлиниши қонунчилик (вакиллик), ижро, суд органлари бўлиши заруратини туғдиради. Ўзбекистонда давлат органлари қонунчилик (вакиллик) ҳокимияти органларидир. Булар - Олий Мажлис ва халқ депутатлари кенгашлари, ижро органлари - Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва давлат қўмиталари, ҳокимлардир, Суд ҳокимияти - суд органларидан иборат. Бундан ташқари махсус вазифаларни бажарувчи Прокуратура органлари мавжуд (қаранг: *Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Суд, Вазирлик, Ҳоким, Прокуратура*).

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ - Конституцияда белгиланган бўлиб (5-модда), байроқ, герб ва мадҳия ҳисобланади. Уларнинг тузилиш шакли, мақсади, ишлатилиши махсус қонунлар билан тасдиқланган. Булар мамлакатнинг мустақиллигини ифодаловчи рамзий белгилардир. Уларда мамлакат хусусиятлари акс эттирилади.

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ - қаранг: *Суверенитет*.

ДАВЛАТ ТИЛИ - мамлакатда қонунчиликда, расмий иш юритишда, суд жараёнида, ўқув фаолиятида қўлланиладиган асосий тил (расмий тил). Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир (4-модда). Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми махсус қонун билан ҳам белгиланган. Конституция ва қонунда ўзбек тилининг давлат тили деб белгиланиши бошқа ҳар қандай тилларнинг муомалада бўлишини рад этмайди. Бошқа тиллардан ҳам кундалик ҳаётда, турмушда кенг фойдаланиш имконияти яратилади. Баъзи мамлакатларда бир неча тил давлат тили сифатида белгиланиши мумкин.

ДАВЛАТНИНГ ТУЗИЛИШИ ШАКЛИ - давлатнинг тузилишини билдирувчи хусусият бўлиб, давлатлар федератив (мураккаб) ёки унитар (оддий) шаклда бўлиши мумкин. Федератив давлат бир неча мустақил давлатлар ёки алоҳида ҳудудларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади. Уларда бир неча конституция, бир неча олий давлат органлари, суд органлари бўлиши мумкин. Бунда федерация субъектлари ва федерациянинг конституцияси, олий органлари назарда тутилиши керак. Федератив

давлатларга АҚШ, Олмония, Ҳиндистон, Россияни мисол кўрсатиш мумкин. Унитар давлат ягона конституцияга, ягона қонунчилик ва олий идора органига эга марказлашган давлатдир. Унитар давлатларга Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Франция, Италия ва бошқалар киради.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ - халқ ҳокимиятининг махсус тузилма - давлат орқали амалга оширилиши. Давлат ўзининг органлари орқали сиёсий ҳокимиятни амалга оширади. Ҳокимият давлат қўлида тўплангандагина у малакали ва самарали амалга оширилиши мумкин. Давлат ўзига тегишли ҳокимият ёрдамида мажбурлов ва таъсир чораларини қўллайди. Давлат ҳокимияти қонунийдир, яъни давлатнинг, унинг органларининг ваколатлари қонун билан белгилаб қўйилади.

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ - “Конституциявий ҳуқуқ” атамасининг ўхшаши. Айрим мамлакатларда ҳуқуқнинг алоҳида ва етакчи тармоғи бўлиб, мамлакатнинг социал-иқтисодий, сиёсий, маъмурий тузилиши асосларини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини, давлат органлари тизимини

ўрнатувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат бўлади.

ДАВЛАТ ШАКЛИ - давлат олий органларининг миллий ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, ҳокимиятни амалга ошириш усуллари орқали намоён бўлади. Давлат шакли уч элементдан: бошқарув шакли, давлат тузилиш шакли ва сиёсий режимдан ташкил топади. Монархия, республика давлат шаклидир.

ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ - Конституцияда белгиланган бўлиб (38-модда), у кишиларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш учун зарур шароитдир. Бу ҳуқуқ натижасида кишилар иш куни тугагандан кейинги иш кунигача, ҳафталик, байрам кунлари, меҳнат таътиллари вақтида дам оладилар. Бу даврларда ходимлар, меҳнат қилишга жалб этилмайдилар. Ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари-нинг муддатлари меҳнат қонунлари билан белгилаб кўйилади. Дам олиш вақтини ҳар бир киши хоҳлаганча ўтказади.

ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ - бундай давлатда давлат органларини ташкил қилишда, уларнинг фаолиятида мамлакат фуқаролари турли-туман йўллар орқали кенг иштирок

этадилар. Фуқароларнинг давлат органларини ташкил қилишдаги иштироки қонун йўли билан кафолатланади ва уларнинг иштирокига кенг имкониятлар яратилади. Демократик давлатда инсон манфаати, кадрқиммати, ҳаёти, соғлиғи ҳар нарсадан юқори туради. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқэркинликларини таъминлаш чораларини доимий равишда кўриб боради. Давлат фуқаролар назоратида ва уларга турли воситалар орқали ҳисоб беради. Демократик давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиялилик оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади.

ДЕМОКРАТИЯ - «халқ ҳокимияти» деган маънони билдиради. Демократия халқнинг давлат органларини тузиш, уларнинг ишида иштирок этиши, давлат органлари ишини ташкил этиш, мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш орқали намоён бўлади. У давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократия бевосита демократия ва вакиллик демократияси шаклида бўлади. Демократия ҳамма нарсада хоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир. Демократиянинг ажралмас қисми интизом, қонунларни хур-

мат қилиш, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдир.

ДЕКЛАРАЦИЯ - сиёсий-ҳуқуқий акт номи. Декларацияда маълум воқеаларга тантанали руҳ берилади. 1990 йил 20 июлда Ўзбекистон ҳали иттифоқ таркибида турган вақтда, мустақиллик учун асос солган ҳужжат - “Мустақиллик декларацияси” Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган.

ДЕПУТАТ - давлат ҳокимияти вакиллик органларида иш олиб борувчи халқ вакилидир. У сайлов йўли билан сайланиб, халқдан тегишли органларда иш олиб бориш учун ваколат олади. Депутатлар маълум муддатга сайланади. Республикамизда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга депутатлар беш йил муддатга сайланади. Олий Мажлис депутатлигига 25 ёшга, маҳаллий Кенгаш депутатлигига 21 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланади. Депутатликка номзодлар сиёсий партиялар, вакиллик ҳокимияти органлари, фуқаролар томонидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кўрсатилади.

ДЕПУТАТЛИК ДАХЛСИЗЛИГИ - депутатларга ўз депутатлик фаолиятини мустақил,

холи олиб бориш имкониятини яратадиган кафолатдир. Қонунларга асосан ҳар бир вакиллик органининг депутатлари, шу вакиллик органлари ва у ваколат берган орган ёки шахс розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши, ишлаб турган вазифасидан бўшатилиши, паст лавозимга ўтказилиши мумкин эмас.

ДЕПУТАТ ОДОБИ - Парламент ишида иштирок этишда амал қилинадиган ахлоқий-маънавий нормалар йиғиндиси бўлиб, у орқали депутатнинг қонун чиқарувчи органга, унинг тузилмаларига, бошқа депутатларга муносабати, улар билан алоқаси шаклланади. Депутат одоби фақат ахлоқий нормалар билан белгиланмай, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда қайд қилинган депутатнинг ҳуқуқ ва бурчлари билан ҳам белгиланади. Депутат одобининг бузилиши ижтимоий ва интизомий чоралар кўришга сабаб бўлади. Депутат одобига риоя этилиши устидан назорат парламентда махсус тузилган комиссия томонидан олиб борилади.

ДЕПУТАТ САЙЛАШ - қаранг: *Сайлов*.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ - депутат ва вакиллик

органининг назорат шаклларида бири. Депутат сўров билан сессияларда ижро ҳоқимияти органларига, мансабдор шахсларга ижтимоий характерга эга масалаларга жавоб олиш учун мурожаат қилади. Сўров юзасидан берилган маълумот сессияда муҳокама қилиниб, қарор қабул қилинади. Сўров алоҳида депутатлар ёки бир гуруҳ депутатлар томонидан берилиши мумкин. У илтимос ва шикоятдан фарқ қилади.

ДЕПУТАТНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ - депутатнинг ваколатини муддатидан аввал бекор қилиш. Депутат Конституция ва қонунларни бузса, депутатлик вазифасини бажармаса ҳар қандай пайтда депутатликдан чақирилиб олиниши мумкин. Чақириб олиш ҳақидаги масала, таклиф депутатни номзод қилиб кўрсатган орган, сиёсий партиялар ёки сайловчилар томонидан кўтариб чиқилади. Уларнинг қарори тегишли вакиллик органига юборилади. Қарор муҳокама қилиниб, асосли деб топилса, чақириб олиш учун овоз бериш ўтказилади. Чақириб олиш масалалари, тартиби, овоз бериш “Ўзбекистонда депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида”ги қонун билан белгиланган.

ДЕПУТАТНИНГ ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАР-

ЛИГИ - юридик жавобгарликнинг алоҳида тури сифатида фақат сайлаб қўйиладиган депутатга нисбатан қўлланилади. Бу жавобгарлик депутат вакиллик органи регламентда белгиланган мажбуриятини бажармаса, депутатлик одоби қоидаларини бузса вужудга келади. Жавобгарликка нисбатан жазо чоралари тегишли ҳужжатларда кўрсатилади.

ДЕПУТАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ - депутатларга тегишли ҳуқуқ ва бурчларнинг қонун билан белгиланган йиғиндиси. Депутатларга маълум ҳуқуқлар берилиши билан бирга, уларга маълум бурчлар ҳам юкланади. Депутатнинг сессияларда иштирок этиши, савол ва сўров бериши, овоз беришда иштирок этиши - уларнинг ҳуқуқи бўлса, сессияда албатта иштирок этиш - унинг бурчи ҳамдир, бундан ташқари депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, белгиланган вақтларда сайловчиларни қабул қилиши уларнинг бурчларидандир. Ҳуқуқ ва бурчлар биргаликда депутатнинг ҳуқуқий мақомини билдиради. Депутатнинг ҳуқуқий мақоми махсус қонунда ўз ифодасини топган.

ЁЗИШМАЛАРНИНГ СИР САҚЛАНИШИ - инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, у барча турдаги почта, телеграф жўнатмалари (хат, телеграмма, посылка, радиogramма ва б.), телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарларнинг дахлсизлигини ўз ичига қамраб олади. Ҳеч кимнинг шахс иродасига зид ҳолатда унинг ёзишмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф маълумотлари билан танишишга ҳаққи йўқ. Бундай ҳолда албатта прокурорнинг санкцияси ёки суднинг ажрими бўлиши шарт.

ЁШ ЦЕНЗИ - қонун билан сайловда иштирок этиш учун белгиланган ёш чегараси. У сайлаш ҳуқуқи учун алоҳида, сайланиш ҳуқуқи учун алоҳида белгиланади. Ўзбекистонда сайлаш учун 18 ёш белгиланган. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашига депутат бўлиб сайланиш учун 21 ёшга, Олий Мажлисга депутат бўлиб сайланиш учун 25 ёшга, Президентликка сайланиш учун 35 ёшга тўлган бўлиш керак. Бу чегара турли мамлакатларда ҳар хил белгиланган. Фуқаролар Бразилия ва Эронда 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш

хуқуқига анча юқори чегара қўйилган: Малайзия, Марокаш, Боливияда 21 ёш. Сайланиш хуқуқи ҳам баъзи мамлакатларда анча юқори бўлиб, Италияда Президентликка сайланиш учун 50 ёш белгиланган.

И

ИЖОД ЭРКИНЛИГИ - Ҳар ким илм, техника, адабиёт, санъат ва маданият соҳаларида эркин ижод қилиш хуқуқига эга. Бу хуқуқдан фойдаланиш натижасида илм-фан, техника ривожланади. Бундан давлат ҳам, ижодкор ҳам манфаатдор бўлади. (Конституциянинг 42-моддаси).

ИЖРО ОРГАНЛАРИ - ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи давлат органларидир. Ўзбекистон Республикасида Олий ижро органи - Вазирлар Маҳкамасидир, у ҳукумат ҳам ҳисобланади ва коллегиял, умумий ваколатли органдир. Ижро органлари турли тармоқ ва соҳаларни идора этади. Республиканинг марказий идоралари: вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқалар, улар яккабошлик асосида иш олиб боради. Жойларда ижро этувчи ҳокимиятни ҳокимлар яккабошчилик асосида амалга оширади. Жойларни идора этишда у ўзининг тармоқ

идора органларидаги бўлим ва бошқармаларига таянади. Масалан, ички ишлар, соғликни сақлаш, маориф бўлими ёки бошқармалари. Ижро органлари тайинлаш ва тасдиқлаш йўли билан ташкил қилинади ва улар ўзини тайинлаган шахс олдида, шунингдек вакиллик органи олдида ҳисоб беради.

ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ - ҳокимиятнинг алоҳида тури, у қонунчилик (вакиллик), суд ҳокимиятидан холи, мустақил равишда иш олиб боради. Республика ижро этувчи ҳокимиятга Президент бошчилик қилади, жойлардаги ижро этувчи ҳокимиятга ҳоким бошчилик қилади. Ижро этувчи ҳокимият ижро органлари томонидан амалга оширилади (қаранг: *Ижро органлари*).

ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ БОШЛИҒИ - ижро органларининг олий раҳбари. У мамлакат миқёсида - Президент, маҳаллий миқёсда ҳоким бўлади. Конституциявий монархия шаклидаги давлатларда ва парламентар республикаларда мамлакат миқёсида ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи - мамлакат ҳукуматининг бошлиғи ҳисобланади.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ - бундай давлатда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаси қилиб белгиланади. Бунда давлат кишилар ўртасида ижтимоий тафовутларни йўқотиш учун ҳаракат қилади. Мамлакатда кам таъминланган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кўради. Гарчи айрим давлатлардаги сингари Конституциямизда, Ўзбекистон ижтимоий давлат деб кўрсатилмаган бўлса-да, ижтимоий таъминот соҳасида Ўзбекистоннинг ўтказётган сиёсати унинг ижтимоий давлатга хос хусусиятини кўрсатади. Президент томонидан белгиланган тараққиётнинг беш тамойилининг биттаси айнан кучли ижтимоий ҳимояни вужудга келтиришни кўзлаганлиги ҳам бунинг исботидир.

ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ - ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлардан бири. Ҳар ким кексалиқда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан ажраб қолганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий таъминот турлари, миқдори, уни олиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади. (Конституциянинг 39-моддаси). Бундан ташқари, давлат кам

таъминланган оила ва кишиларни, нафақахўр, ногиронларни турли воситалар билан ижтимоий таъминлаш чорасини кўриб бормоқда.

ИЖТИМОЙ ТУЗУМ (ТУЗИЛИШ) - ижтимоий муносабатлар тизимидан иборат бўлиб, бу муносабатлар жамиятни ташкил қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулотларни тақсимлаш ва айирбошлашдан келиб чиқади.

ИММУНИТЕТ - Айрим мансабдаги шахсларга (давлат бошлиғи, судьялар) ва депутатларга қонун доирасида бериладиган имтиёз.

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧЛАРИ - Конституция нормалари билан ўрнатилган бурчлар. Бунда айрим ҳаракатларни қилиш тақиқланиши ёки, аксинча, албатта қилиш, бажариш зарурлиги белгилаб қўйилади. (Конституциянинг XI боби, 47-52-моддалар).

ИНСОННИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ - Инсоннинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ, эркинликлари ва ўрнатилган бурчлари йиғиндиси. Унинг конституциявий-ҳуқуқий мақомининг асо-

сий принциплари - инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги ва улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳақли эмаслиги, ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали кафолатлари мавжудлиги; қонун олдида тенг ҳуқуқлилиқ; ҳуқуқ ва бурчлар ўртасида ўзаро алоқанинг мавжудлиги ҳисобланади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ - Инсонга шахсий, сиёсий, иқтисодий соҳада фаолият кўрсатиши учун зарур қоида ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган имкониятлар. Ҳуқуқлар ҳамма вақт давлат томонидан қабул қилинган ҳужжатларда (Конституция, қонун, фармон ва бошқаларда) ўз аксини топади. Айрим ҳуқуқлар - булар шахсий ёки табиий ҳуқуқлар дейилади, булар албатта бўлиши керак бўлган ҳуқуқлар, давлат уни таъминлаши, ҳеч қачон чекламаслиги керак (масалан, яшаш ҳуқуқи, қийноққа солинмаслиги ва ҳоказо), айрим ҳуқуқларни давлат ўз имкониятидан келиб чиқиб белгилайди. Улар шароит ва имкониятга қараб чегараланиши, тўхтатилиши мумкин (масалан, сиёсий партиялар тузиш, намойиш, митинг ўтказиш, таъминот олиш ва бошқалар). Инсон ҳуқуқлари фақат ўрнатилмай, давлат томонидан таъминланади.

Бузилган ҳуқуқлар қайта тикланади. Ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминловчи муассасалар тизими мавжуд.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТИ - асосий ҳуқуқларнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши. Асосий ҳуқуқ ва эркинликларни чегаралаш, ундан маҳрум қилиш ҳоллари ҳам Конституцияда белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қўплаб мамлакатларнинг конституциялардан фарқ қилиб, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатларини алоҳида бобда мустаҳкамлаб қўйган (Конституциянинг X боби, 43-46-моддалар).

ИНСОННИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ - инсонларнинг қонун йўли билан давлат томонидан эътироф этилган ва кафолатланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари ҳамда манфаатларининг тизими (йиғиндиси). Ҳуқуқ ва эркинлик - инсоннинг давлат томонидан эътироф этилган ва таъминланадиган имкониятлари. Бурчлар давлат томонидан ўрнатилган, кўпчилик манфаатига мос тушувчи айрим ҳаракатни содир этишдан тийилиш, айрим ҳаракатларни албатта содир этишдир.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан 1948 йилда қабул қилинган халқаро ҳужжат. Унда инсонларнинг ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати, ор-номуси, оила куриши, ҳаёт кечиришини таъминлайдиган ҳуқуқ ва эркинликлар белгиланган. БМТга аъзо ҳар бир давлат шу ҳужжатда кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш мажбуриятини олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳуқуқларига тааллуқли нормаларида шу ҳужжат қоидалари ўз ўрнини топган. Ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқларига тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатлар, бу ҳужжатга зид бўлмаслиги керак.

ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ - мулкчилик шакли ва муносабатлари, ишлаб чиқариш муносабатлари, моддий ва маънавий ашёларни тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол қилишдаги муносабатлар ва уларни тартибга солувчи принцип ҳамда нормаларнинг йиғиндиси.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАР - инсонга нормал турмуш кечириш учун зарур бўлган имкониятларни яратувчи ҳуқуқлар. Бунга мулкдор бўлиш, меҳнат

қилиш, билим олиш, таъминот олиш ва бошқа ҳуқуқлар киради (Конституциянинг IX боби, 36-42-моддалар). Давлат ўз имкониятидан келиб чиқиб, иқтисодий ҳуқуқлар амал қилишини чуқурлаштириб, кенгайтириб боради. Масалан, ижтимоий таъминот миқдори доимо кўпайиб бормокда.

Й

ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИШ ЭРКИНЛИГИ - бу фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий фаолликларини, бирон-бир воқеага ўзларининг муносабатини билдириш мақсадида йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқидир. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридан йиғилиш ўтказишни тўхтатиши ёки тақиқлаши мумкин. (Конституциянинг 33-моддаси).

К

КВОРУМ - ҳокимият вакиллик органларида уларнинг қабул қилган ҳужжатлари қонуний бўлиши учун энг кам депутатлар иштирок этиши белгилаб қўйилган миқдор. Кворум сонлар билан ёки умумий сонга нисбатан фоиз билан белгиланади. Олий Мажлис йиғилиши жами депутатларнинг (250 де-

путатнинг) камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади (Конституциянинг 79-моддаси).

КОМПЕТЕНЦИЯ (ВАКОЛАТ) - давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг давлат органлари тизимида аниқ ўрнини кўрсатувчи) ҳуқуқий жиҳатдан белгиланган ҳуқуқ ва бурчларининг йиғиндиси. Компетенция (ваколат) фақат ҳуқуқ эмас, бурчдан ҳам иборат бўлади.

КОНСТИТУЦИЯ - давлатнинг асосий қонуни бўлиб, энг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. Конституция - конституциявий тизим асослари, давлат тузилиши, давлат бошқарув шакли, шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари, давлат органларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатларини белгилаб қўяди. Конституция меъёрлари билан жамиятдаги энг муҳим ижтимоий муносабатлар мустаҳкамланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган. Шу кун умумхалқ байрами деб белгиланган. Конституция муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Муқаддимада конституция қабул қилиш сабаблари ва мамлакатимиз олдига қўйилган

вазифалар белгиланган. Конституциямиз халқаро конституциявий тажрибаларни ўрганиш, халқаро ҳужжат қоидаларини инобатга олиш, миллий давлатчилик анъаналаримизни эътиборга олиш натижасида яратилган. У жаҳон андозаларига мос келиб, халқаро талабларга жавоб беради. Конституция халқимиз руҳиятини, ахлоқини эҳтиро олган, у ҳуқуқий онгимиз, халқ ижодкорлиги маҳсулидир. Унда инсонни энг олий қадрият даражасига кўтарувчи нормалар ўз ўрнини етарлича топган. Конституция қонунчилигимиз асоси, фаровон турмуш, хавфсизлигимиз гаровидир. У - муқаддас ҳужжат.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУННИНГ УСТУНЛИГИ - ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан бири. Бунда Конституция ва қонунларга ҳамманинг сўзсиз амал қилиши зарурлиги, ҳеч қандай ҳужжат уларга зид бўлмаслиги тушунилади. Бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар улар асосида қабул қилинади. Конституция ва қонунларга зид келувчи ҳар қандай ҳужжат бекор қилинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

КОНСТИТУЦИЯ МУҚАДДИМАСИ - Конституция қабул қилиш зарурати, мамлакатнинг конституция қабул қилишдан мақсади, олдига қўйган бош вазифаси, нима-ларга амал қилиши зарурлиги кўрсатилган конституциянинг кириш қисми.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ - Давлатнинг алоҳида фаолияти бўлиб, у орқали Конституциянинг амал қилиши, Конституцияга қонун ва бошқа ҳужжатларнинг мос келиши, зид бўлмаслиги назорат қилинади. Бу назорат давлат бошлиғи, парламент ва махсус органлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистонда бу вазифа махсус Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига юкланган (қаранг: *Конституциявий суд*).

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАР (КОНСТИТУЦИЯ ПРИНЦИПЛАРИ) -

Конституциявий ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти ҳисобланувчи ижтимоий муносабатларнинг мазмунини белгиловчи ҳал қилувчи асослар (ғоялар) принцип ҳисобланади. Принциплар бутун Конституциявий тузумга ёки унинг алоҳида-алоҳида институтларига тааллуқли бўлади, масалан, сиёсий тизим принциплари, инсон ҳуқуқ-

ларига тааллуқли принциплар, иқтисодий тизим принциплари ва бошқалар. Ўзбекистон Конституцияси принциплари - давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, қонунийлик, Конституция ва қонунлар устуворлиги, демократизм, инсон манфаатларининг устуворлиги ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД - Ўзбекистон

Республикасининг суд тизимига кириб, қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатларо шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди; Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикасининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади. Маса-

лан, Президент Олий Мажлисни Конституциявий суд билан бамаслаҳат тарқатиб юбориши мумкин. Конституциявий суд - раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда Олий Мажлис томонидан беш йил муддатга сайланади. Конституциявий суд таркибига номзодлар Ўзбекистон Президенти томонидан тавсия қилинади. Конституциявий суд ҳеч қандай органга бўйсунмайди, у фақат Конституция ва қонунга бўйсунди. Унинг фаолияти махсус Конституциявий суд тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. У Конституция ҳимоячисидир.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ - Конституция ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатиладиган ва кўриқланадиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими. «Конституциявий тузум»ни “давлат тузуми”дан фарқлаш керак. Давлат тузумидан фарқ қилиб, конституциявий тузум ҳамма вақт конституция бўлиши, унга амал қилиш билан ажралиб туради. Халқ суверенитети, ҳокимият бўлиниши, умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларининг бузилмаслиги, чекланмаслиги Конституциявий тузумнинг зарур шартлари бўлиб ҳисобланади.

Давлат тузумида бу белгилар бўлмаслиги мумкин.

КОНСТИТУЦИЯНИ ШАРҲЛАШ - Конституция нормаларини кенгроқ ифодалаш, изоҳлаш, тушунтириб бериш. Шарҳлар расмий-мажбурий ва илмий бўлиши мумкин. Расмий-мажбурий шарҳда изоҳлар, тушунтиришлар мажбурий характерга эга бўлади. Конституцияга асосан Конституция нормаларига шарҳ бериш Конституциявий суд ваколатига киради. (Конституциянинг 109-модда, 3-банди). Конституция нормаларига Конституциявий суд томонидан берилган шарҳ, яъни изоҳ, тушунтириш бажарилиши шарт. Шарҳнинг иккинчи тури илмий шарҳ бўлиб, бунда Конституция нормаларига илмий баҳо берилиб, улар кенгроқ, оммабоп қилиб тушунтириб берилади. Бу изоҳ ва таъкидлар мажбурий эмас, улар Конституция нормаларини тушунишни, қўллашни осонлаштиради.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН - айрим мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда қонуннинг алоҳида тури бўлиб, конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бири. Конституциявий қонун Конституциявий даражада ҳал қилиниши, тартибга

солиниши, ўрнатилиши мумкин масалалар бўйича чиқарилади. Уни қабул қилиш ва унга ўзгартириш киритиш тартиби ҳам оддий қонунларга нисбатан бошқача. Оддий қонунлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинса ва ўзгартириш киритилса, Конституциявий қонун қабул қилиш, унга ўзгартириш киритиш учун учдан икки қисм овоз талаб қилинади. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида” ва “Олий Мажлис тўғрисида”ги қонунлар Конституциявий қонун ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИЙЛИК - конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлган барча субъектлар конституция ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий актларга сўзсиз амал қилиши.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ - ҳар бир мамлакатнинг (жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам) ҳуқуқ тизимидаги етакчи ҳуқуқ. Шу билан бирга ҳуқуқ тармоғи ҳам. Унинг етакчилиги шундаки, бошқа ҳар қандай ҳуқуқлар тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг асоси Конституциявий ҳуқуқда белгиланади (масалан, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ

ва бошқа ҳуқуқлар). Бундан ташқари конституциявий ҳуқуқнинг ўзини тартибга соладиган ижтимоий муносабатлари бўлиб, бу уни ҳуқуқ тармоғи сифатида кўрсатади. Конституциявий ҳуқуқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тузилишнинг асосларини, сайлов тизимини, инсоннинг асосий ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчларини ўрнатувчи, тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисиدير.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ

- Конституциявий ҳуқуқий нормаларнинг мустақамланиш шакли. Ҳуқуқ нормаларининг ташқи ифодаси. Бу тегишли номдаги ҳужжат шаклида бўлади. Ҳужжатлар, Конституция, Конституциявий қонунлар, қонунлар, халқаро ҳуқуқ нормалари, Олий вакиллик, ижро этувчи ҳокимият, маҳаллий вакиллик ва конституциявий суд ҳужжатлари бўлиши мумкин. Конституция ва Конституциявий қонунлар тўлалигича конституциявий ҳуқуқ манбаидир, бошқа ҳужжатлар конституциявий муносабатларни тартибга солишни кўзлагандагина, конституциявий ҳуқуқ манбаси бўлади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ФАНИ -

Конституция, унинг мазмуни, моҳияти,

аҳамияти, юридик табиати, жамиятдаги ўрни ҳақида маълумот берувчи фан. Уни кенгроқ тушунадиган бўлсак, конституциявий-ҳуқуқий нормалар, улар билан тартибга солинадиган муносабатлар, ҳуқуқий нормалар билан муносабатларнинг бир-бирига мутаносиб келиши ҳақидаги билимлар тизими. Бу фан конституциявий-ҳуқуқий нормаларга, муносабатларга баҳо беради. Конституциявий институтларни ўрганади, муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИ - Конституциявий ҳуқуқнинг тузилиши. Конституциявий ҳуқуқнинг ички тузилиши, унинг бошқа ҳуқуқлардан фарқини кўрсатувчи қисм ва элементларни изчил ягона ҳолда мужассамлаштириш. Конституциявий-ҳуқуқий институтлар аҳамияти, бир-бирига таъсири ва боғлиқлиги асосида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи тизими Конституциявий тизимга мос келиб, асосий принциплар, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, жамият ва шахс, маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши, давлат ҳокимиятининг ташкил этилишини белгиловчи нормалардан иборат инс-

титутлардан ташкил топган. Улар ўз навбатида кичик институтларга бўлинади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК - конституциявий муносабатлар иштирокчиларининг (субъектлари) Конституция нормаларига риоя қилмаслиги. Риоя қилмаслик эҳтиётсизликдан ёки қасддан бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда Конституция нормаларини бузиш бошқа қонунларни бузиш билан қўшилиб кетади. Натижада жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарлик келиб чиқади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ ИНСТИТУТЛАР - бир турдаги ва ўзаро боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш натижасида мустақил гуруҳни вужудга келтирувчи конституциявий ҳуқуқ нормалари тизими. Ижтимоий тузум асослари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати, сайлов тизими, ҳокимият тизимини тартибга солувчи алоҳида гуруҳ нормаларини кўрсатиш мумкин. Улар ўз навбатида конституциявий ҳуқуқ институтларидир.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР - Конституциявий нормалар билан тартибга солинадиган ҳамда улар асосида

вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар уларнинг объекти бўлиб, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қийматлар, шахсий эркинлик ва фаровонлик, мулкый муносабатлар, миллий муносабатлар, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР - умуммажбурий хулқ-атвор бўлиб, у маълум ижтимоий муносабатларни белгилайди ва тартибга солади. Бу нормалар давлат томонидан ўрнатилиб, унинг амал қилиши таъминланади. Бунда давлат мажбурлов воситасидан ҳам фойдаланади. Мажбурлов Конституциянинг мақсад нормаларига, принципларига тааллуқли эмас.

КОНСТИТУЦИЯВИЙЛИК - Конституция нормалари ва принциплари асосида, Конституцияни жамият ва давлат асосий қонуни сифатида таъминлаш ва унга амал қилиш тартиби (режими).

КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ - бу конституцияга асосланган бошқарув, конституция доирасида ишлаш, конституцияга асосланган сиёсий тизим, бошқарувининг конституциявий усулидир. Умуман бу конс-

титущиявий тузумга асосланган сиёсий-хуқуқий назариядир.

КЎППАРТИЯВИЙЛИК - мамлакатда икки ва ундан ортиқ партияларнинг бўлиши. Бу демократик давлатни характерловчи хусусият. Мамлакатда бир неча партияларнинг бўлиши, фикрлар хилма-хиллигини таъминлайди. Кўппартиявийликка конституция асос солган. Партияларни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, фаолиятини тўхтатиш, тугатиш махсус қонунлар билан тартибга солинади. Партиялар сафига кириш, чиқиш ихтиёрий. Фақат партиялар қонунсиз ташкил қилиниши, ҳаракат қилиши мумкин эмас. Конституциявий тузумга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши курашишни мақсад қилиб қўйган партия тузиш тақиқланади. (Конституциянинг 57-моддаси). (Яна қаранг: *Сиёсий партиялар*).

КЎЧИБ ЮРИШ ҲУҚУҚИ - ҳар бир шахснинг ўз яшаш жойини ўз ихтиёри билан белгилаши. Бунинг учун шахс республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, мамлакатга келиш, мамлакатдан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Бу масалада баъзи чек-

лашлар қонун билан белгилаб қўйилиши мумкин.

М

МАЖОРИТАР САЙЛОВ ТИЗИМИ - кўпчилик мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда қўлланилади. Овоз беришда аниқ бир номзодга овоз берилади. Сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган ҳисобланади. Мажоритар сайлов тизимининг акси бўлган пропорционал сайлов тизимида партия рўйхатига (бирор-бир сиёсий партия учун) овоз берилади. Олинган овозларга қараб депутатлар ўрни тақсимланади.

МАРКАЗИЙ БАНК - мамлакат банк тизими бошқарувчи орган. Марказий банк бошқаруви Раиси Президент тақдимиغا биноан Олий Мажлис томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Марказий банк барча банк органлари фаолиятига раҳбарлик қилади, уларни назорат қилади. Бошқа банкларнинг мажбурий захираларини, мамлакатнинг расмий олтин-валюта захираларини сақлайди ва бошқа вазифаларни бажаради.

МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШ - мамлакат ҳудудининг маълум қисмларга бўлиниши. Бундай бўлиниш идора этишининг қулай бўлиши, давлат органларига аҳолининг яқин бўлишини, ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилишни назарда тутиб амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардан иборат. Шаҳарлар республика миқёсидаги шаҳар (Тошкент шаҳри), вилоят таркибидаги шаҳарлар, туман таркибидаги шаҳарларга бўлинади. Туманлар вилоят таркибидаги туманларга ва шаҳар таркибидаги туманларга бўлинади.

МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВ - фуқароларнинг жойларда давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминловчи, жойларда давлатнинг айрим функцияларини амалга ошириш воситаси - ҳокимиятнинг бир тури. Кўпчилик мамлакатларда маҳаллий миқёсда давлат ҳокимияти органлари ташкил этилмай, у ерда фақат маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ташкил этилади (Россияда). Ўзбекистонда жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари

ҳам мавжуд. Ўзбекистондаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органи — фуқаролар йиғинидир. (қаранг: *Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари*).

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ - икки маънода ишлатилади. Биринчиси, маълум муносабатларни (меҳнат муносабатларини) тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси бўлиб, бунда у ҳуқуқнинг алоҳида бир тармоғи ҳисобланади. Иккинчи маъноси меҳнат ҳуқуқи деганда шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқини билдиради. Ўзбекистон Конституциясининг 37-моддасида меҳнат қилиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқлари сифатида белгиланган. Унга асосан, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ҳуқуқига эга. Давлат меҳнат ҳуқуқини кафолатлаб, ҳар бир шахсга яхши, адолатли меҳнат шароитларини яратиб бериш, ишсизликдан ҳимоя қилиш мажбуриятини олади. Меҳнатга яраша ҳақ тўлаш қонун билан белгиланади. Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳеч ким мажбурий меҳнатга жалб қилиниши мумкин эмас. Вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқи алоҳида ҳимоя қилинади. Улар учун кам иш куни ва соати ўрнатилади, оғир ва зарарли ишларга жалб қилиш тақиқланади.

МИЛЛИЙ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК - Шахснинг ҳуқуқий ҳолати принципларидан. Барча фуқаролар миллатидан қатъи назар қонун олдида, давлатни бошқаришда ва барча ҳуқуқлардан фойдаланишда тенгдир. Бу масалаларда бирор-бир миллатга имтиёзлар ҳам берилмайди, камситилмайди ҳам. Камчиликни ташкил этувчи миллатларнинг маданияти, тили, урф-одатлари ҳурмат қилинади ва уларнинг ривожланишига имконият яратилади.

МОНАРХИЯ - давлатнинг бошқарув шакли. Бунда давлат бошлиғи наслдан-наслга ўтади ва монарх умрбод давлат бошлиғи бўлади. Монархиянинг икки тури мавжуд, биринчиси - мутлақ (абсолют) монархия, бунда монархнинг ваколати чекланмаган, у ягона ҳукмдор бўлади, иккинчиси - конституциявий монархия, бунда мамлакатда қонунчиликни парламент, ижро ҳокимиятини ҳукумат олиб боради. Мутлақ монархия ҳозирги кунда 8та мамлакатда сақланган, улар қаторига Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирлиги, Кувайт ва бошқалар киради. Қолган монархия давлатлари конституциявий монархия ҳисобланади, уларга Англия, Испания, Япония ва бошқалар киради. Монархлар турли

мамлакатларда турли номлар билан аталади, масалан, Японияда - император, Англия, Испанияда - қирол, Малайзияда - султон, Қувайтда - амир, Люксембургда - буюк герцог.

МУТЛАҚ МОНАРХИЯ - Жаҳон конституциявий ҳуқуқи фанида учрайдиган атама. Давлат бошлиғи монархнинг (у подшо, қирол, император, султон деб аталиши мумкин) чекланмаган ваколатга эгаллиги; мутлақ монархияда монарх қўлида қонунчилик, ижро, суд ҳокимияти тўпланган бўлади. Ҳозир бундай давлатлар жуда кам бўлиб, улар - Баҳрайн, Бруней, Ватикан, Катар, Қувайт, Бирлашган Араб Амирлиги, Саудия Арабистони ва Уммондир. Уларнинг баъзиларида кейинги пайтларда конституциявий монархияга ўтиш йўли кутилмоқда ҳамда конституциялар қабул қилинмоқда.

МУҚОБИЛ САЙЛОВ - овоз беришда танлаш учун имконият яратади. Сайлов бюллетенларига икки ва ундан ортиқ номзод киритилиб, сайловчи ихтиёрий улардан бирига овоз беради; белгиланган миқдордаги овозни олган номзод сайланган ҳисобланади.

МУҚОБИЛ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ - фуқароларнинг конституциявий бурчи. Ҳарбий хизмат ўташ учун баъзи узрли сабаблари бўлган фуқаролар ўтайдиган мажбурий хизмат. Кимлар, қандай ҳолда, қанча муддат муқобил хизмат ўташи махсус қонун билан тартибга солинади.

Н

НИКОҲ - икки жинсдаги шахсларнинг оилавий муносабатларда биргаликда иштирок этиш учун ўзаро аҳдлашувидир. Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларни ёзиш органида тузилади. Никоҳ ФҲДЁ органига ариза берилгандан сўнг бир ой муддат ўтгач тузилиши керак. Никоҳ икки жинсдаги шахсларнинг ўзаро розилиги билан тузилади. Никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш деб белгиланган. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар фақат битта никоҳда туриши мумкин.

НОМЗОД КЎРСАТИШ - Сайлаб қўйиладиган лавозимга, депутатликка номзод кўрсатиш тартиби ва ҳуқуқини билдиради. Номзод кўрсатиш тартиби ва ҳуқуқи сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган. Ўзбекистон Президентлигига номзод сиёсий партия-

лар, ҳокимият вакиллик органлари томонидан (вилоят ва Тошкент шаҳри даражасида), Олий Мажлис депутатлигига номзодлар эса сиёсий партиялар, вакиллик ҳокимияти органлари (вилоят ва Тошкент шаҳар даражасида), фуқаролар ёки уларнинг вакиллари томонидан кўрсатилади.

О

ОВОЗ БЕРИШ - референдум ва сайловда иштирокчиларнинг истак-хоҳишини амалга ошириш шакли. Овоз бериш яширин ёки очик бўлиши мумкин. Овоз бериш демократик ўтиши, овоз берувчига ташқи таъсир бўлмаслиги учун яширин овоз бериш тартиби ўрнатилади. Референдумда бирор-бир масалага овоз берилса, сайловда шахсга нисбатан овоз берилди. Овоз бериш фақат умумий сайловларда эмас, вакиллик органларининг фаолиятида ҳам қўлланилади. Ҳар бир масала у ерда овозга қўйилиб ҳал қилинади. Қандай масалалар очик овоз билан, қандай масалалар яширин овоз бериш йўли билан ҳал қилиниши қонун ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилади.

ОДИЛ СУДЛОВ - давлат фаолияти шаклларида ҳисобланади. Унинг мазмуни турли

судлар томонидан ўз ваколатига тааллуқли ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишдир. Судда кўриладиган ишлар жиноий, маъмурий, фуқаролик ишлари бўлиши мумкин. Судлов, уни амалга оширувчи органлар тизими принциплари, суд юргизиш тартиби қонунларда белгилаб қўйилади. Судлов фақат қонунда белгиланган суд органлари томонидан амалга оширилиши, ишлар ошқора кўрилиши, қонунийлик ва қонун олдидида барчанинг тенглиги, суднинг мустақиллиги, судда айбланувчилар ҳимоя билан таъминланиши судловнинг конституциявий принциплари ҳисобланади.

ОИЛА - жамиятнинг асосий бўғинидир. Оила жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Оилада эр-хотинлик, ота-оналик, фарзандларнинг ўзаро шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ муносабатлар мужассамлашгандир.

ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОН - мамлакат Қуролли кучларининг олий раҳбари. Бош қўмондон тинч даврда ҳам, уруш пайтида ҳам Қуролли кучлар бошлиғи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Олий Бош қўмондони - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳисобланади. У Қуролли куч-

ларнинг олий қўмондонларини вазифасига тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради (Конституциянинг 93-модда, 16-банди).

ОЛИЙ МАЖЛИС - Ўзбекистон Республикасида ягона қонун қабул қилувчи, унга ўзгартириш киритувчи Олий давлат органидир. У халқ вакиллари - депутатлардан иборат. Унинг таркибида 250 депутат бўлиб, улар сайловчилар томонидан умумий, тенг, тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Олий Мажлисга 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари сайланади. Депутатлар беш йил муддатга сайланади. Олий Мажлис ўз фаолиятини тегишли муддатларда ўтказиладиган сессияларда амалга оширади, сессиялар бир йилда камида икки марта чақирилиши белгиланган. Зарур ҳолларда навбатдан ташқари сессиялар ҳам чақирилиши мумкин. Олий Мажлис ўз фаолиятига ёрдам бериш учун турли органларни тузади. Олий Мажлисининг ваколатлари Конституция ва Олий Мажлис тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган.

ОЛИЙ МАЖЛИС КЕНГАШИ - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ишини

ташкил қилувчи орган. Унинг таркибига лавозим бўйича Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссияларининг раислари, Олий Мажлилдаги расмий фракциялар вакиллари киради. Кенгаш Олий Мажлис ваколоти даврида иш олиб боради. Кенгаш ишига Олий Мажлис Раиси раҳбарлик қилади.

ОЛИЙ МАЖЛИС РАИСИ - Олий Мажлис депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлиснинг ваколат муддатига Раис сайланади. Олий Мажлис Раиси Олий Мажлис ишига раҳбарлик қилади. Қўмита комиссия ва депутатлар фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Олий Мажлиснинг қарорларини имзолайди. Олий Мажлис Раиси фаолиятига депутатлар орасидан сайланган ўринбосарлари ёрдам беради. Олий Мажлис Раисининг учта ўринбосари бўлиб, улардан биттаси Қорақалпоғистон Республикаси вакилидир.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИ - Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилиш, Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган масалаларни даст-

лаб кўриб чиқиш, тайёрлаш, қонун ва бошқа ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш учун Олий Мажлиснинг депутатлари орасидан сайланади. Қанча ва қандай кўмиталар ҳамда комиссияларнинг бўлиши, уларнинг таркиби неча кишидан иборат бўлишини Олий Мажлис белгилайди. Кўмита ва комиссиялар Олий Мажлиснинг ваколат муддатига ташкил қилинади. Бундан ташқари, маълум вазифани бажариш, тафтиш ўтказиш учун ҳам Олий Мажлис комиссиялари тузилиши мумкин. Ўз вазифасини бажариб бўлгач, уларнинг фаолияти тугайди.

ОЛИЙ СУД - Ўзбекистон Республикасининг Олий суд муассасаси бўлиб, унинг Раиси ва аъзолари Президент такдими билан Олий Мажлис томонидан 5 йил муддатга сайланади. Унда жиноий ишлар, фуқаролик ишлари, ҳарбий ишлар бўйича ҳайъатлар мавжуд. Олий суд қўйи судларда кўрилган ишларнинг қонунийлигини назорат қилади. Пленумларида судлар учун мажбурий кўрсатмалар беради ҳамда алоҳида аҳамиятли ишларни ўзи биринчи инстанция тартибида кўриб чиқади. Олий судда қўйи судлар қабул қилган ҳукм ва ажримлар бекор қилинади, ўзгартирилади. Ўзбекистон

суд ҳокимияти тизимига киради. Олий суд аъзолари депутат бўлиши, сиёсий партияларга аъзо бўлиши мумкин эмас.

ОМБУДСМАН - инсон ҳуқуқларига амал қилинишини назорат қилиш учун махсус сайланадиган (ёки тайинланадиган) мансабдор шахс. Улар инсон ҳуқуқларини турли маъмурий органлар тажовуздан сақлашни мақсад қилиб қўяди. Улар фуқароларнинг мурожаати ёки ўз ташаббуси билан текширув ишларини юритади. Ҳуқуқ бузилишларини аниқлаган вақтда, шу ҳуқуқ бузилиши айбдори бўлган органга қонунсиз ҳужжат ёки ҳаракатларини бекор қилишини таклиф этади. Агар таклиф бажарилмаса, у ҳолда судга ёки парламентга мурожаат қилади. Омбудсман турли мамлакатларда турли номда аталади. Масалан, Швеция, Дания, Польша, Канадада - омбудсман, Испания ва Колумбияда - халқ ҳимоячиси, Францияда - воситачи, Руминияда - халқ адвокати, Россияда - инсон ҳуқуқлари бўйича вакил. Ўзбекистонда ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили лавозими бўлиб, у Олий Мажлис депутатлари орасидан сайланади, унинг асосий вазифаси омбудсманга ўхшаб кетади.

П

ПАРЛАМЕНТ - бу сўзнинг асл маъноси “мунозара жойи”, французча “парла” – гап - сўз баҳс, “мент” – жой, ўрни демакдир. Демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номидир. Парламент биринчи марта XIII асрда Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари бир неча мамлакатларда жумладан, Англия, Франция, Италия, Канада, Бельгияда тўғридан-тўғри парламент деб аталади. АҚШ ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатларида Конгресс, Россияда Федерал Мажлис, Литва, Латвия, Польшада Сейм деб аталади. Ўзбекистонда эса у Олий Мажлисдир. Парламентни ташкил қилиш тартиби, ваколат муддати, ваколат доираси турли мамлакатларда турлича бўлиб, улар Конституция ҳамда қонунларда белгилаб қўйилади.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ - Давлат назоратининг бир шакли бўлиб, кўпроқ сиёсий характерда бўлади. Парламент назоратининг таъсир кучи Президентлик ва парламентар республикаларда ҳар хил бўлади. Парламент назорати ҳукумат ва бошқа органларнинг ҳисоботлари, ахборотларини эшитиш, маъ-

лум масалани ўрганиш юзасидан махсус комиссиялар тузиш ҳамда ўзининг органлари, депутатлари, кўмита ва комиссиялари фаолияти орқали ташкил қилинади. Парламент назоратида омбудсман институти алоҳида роль ўйнаб, у фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади. Бундай тузилма Ўзбекистонда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилидир. (қаранг: *Омбудсман*).

ПАРЛАМЕНТ СЕССИЯСИ - Сессияда (лотинча *sessio* - «мажлис» маъносини билдиради) парламент (парламент палаталари), унинг кўмита ва комиссияларининг ялпи мажлислари ўтказилади. Парламент сессияси Ўзбекистонда республика Олий Мажлиси ишининг ташкилий шакли ҳисобланади. Олий Мажлис сессияси унинг мажлисларида очилади ва ёпилади. Олий Мажлис сессияси унинг мажлисларидан, шунингдек, Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларининг, бошқа органларининг сессия мажлислари оралиғидаги даврда ўтказиладиган мажлисларидан иборат бўлади. Олий Мажлис сессиялари бир йилда камида икки марта чақирилади. Бундан ташқари, навбатдан ташқари сессия ҳам чақирилиши мумкин. Навбатдан ташқари

сессия Олий Мажлис Раиси томонидан ўзининг ташаббуси билан ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқориғи Кенгесининг ёхуд Олий Мажлис депутатлари камида учдан бир қисмининг таклифи билан чақирилади.

ПАРЛАМЕНТАР РЕСПУБЛИКА - Давлат бошқарувидаги республика шаклининг бир тури бўлиб, парламент расмий равишда тўлиқ ҳокимиятга эга органлиги билан характерланади. Яъни, унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар сифатида ташкил этилади. Президент парламент томонидан тўғридан-тўғри ёки алоҳида сайловчилар коллегияси томонидан сайланади. Президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланмайди. Бунда Президент ўз ваколатларини қоида бўйича бош вазир бошчилигидаги ҳукуматнинг таклифига асосан амалга оширади. Агар ҳукумат парламентда кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмаса, парламент ҳукуматга ишончсизлик билдириб, уни истеъфога чиқариши мумкин. Бу ҳолда Президент ҳукуматнинг таклифи бўйича парламентни тарқатиб, муддатидан олдин сайловлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Пар-

ламентар республикаларга ГФР, Италия, Венгрия, Чехия, Латвия, Эстония мисол бўлади.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ - Бошқарувнинг алоҳида тизимдаги шакли. Бунда қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият функциялари аниқроқ чегараланади ва расмий жиҳатдан Парламентнинг бошқа органларга таъсири устувор даражада бўлади. Ҳукумат парламент томонидан тузилади ва унинг олдида жавобгардир.

ПАРЛАМЕНТНИ ТАРҚАТИБ ЮБОРИШ - парламентар республика давлатларида, шунингдек, республика бошқарувининг аралаш шаклидаги давлатларда давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги конституциявий механизмнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Парламентни тарқатиб юбориш ҳукуқи (парламентга муддатидан аввал сайловлар ўтказиш) давлат бошлиғига тегишлидир. Бу ҳуқуқни давлат бошлиғи амалга оширса-да, қоида бўйича у ҳукуматнинг таклифи билан бўлади. Ўзбекистонда Олий Мажлис (Парламент) унинг таркибида фаолиятига таҳдид соладиган ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёки бир неча марта

Конституцияга зид қарорлар қабул қилганда, Президент томонидан, Конституциявий суд билан келишиб, тарқатиб юборилади. (Конституциянинг 95-моддаси).

ПАРТИЯВИЙ ТИЗИМ - жамият ичида сиёсий фаолиятни шакллантирувчи, ташкил этувчи сиёсий институтлар мажмуасидир. Сиёсий институтлар - бу бир томондан, сиёсий партиялар билан давлат ўртасидги ўзаро муносабатлар, бошқа томондан - партиялар сиёсий тизимининг ижтимоий элементлари ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлари ифодаси. Давлатларда бир партиявий ёки кўппартиявий тизим мавжуд. Ўзбекистон ҳам кўппартиявийлик тизимига эга.

ПАССИВ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ (САЙЛАНИШ ҲУҚУҚИ) - маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқароларга тааллуқли. Маҳаллий Кенгаш депутатлигига 21 ёшга, Олий Мажлис депутатлигига 25 ёшга, Республика Президентлигига 35 ёшга етган фуқаролар сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйилади. Масалан: Президент бўлиб сайланиш учун Ўзбекистонда камида охириги 10 йил ичида доимий яшаган бўлиши ва давлат тилини яхши би-

лиши керак. Олий Мажлис депутат-лигига сайланиш учун камида сўнгги беш йилда Ўзбекистонда доимий яшаган, қасддан содир этган жиноятлари учун аввал судланмаган бўлиши керак. Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин.

ПРЕЗИДЕНТ - республика бошқарувидаги мамлакатларда давлат бошлиғи. Президент биринчи марта давлат бошлиғи сифатида 1787 йилда АҚШда жорий қилинган. Айрим мамлакатларда у фақат давлат бошлиғи (Германияда), айрим мамлакатларда ҳам давлат бошлиғи, ҳам ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир (Россияда, Ўзбекистонда). Айрим мамлакатларда бевосита халқ томонидан, тўғридан-тўғри сайланади (Францияда), айрим мамлакатларда сайловчилар вакиллари томонидан сайланади (АҚШда), айрим мамлакатларда эса парламент томонидан сайланади (Чехияда), айрим мамлакатларда махсус кенгаш томонидан сайланади (Германияда). Ваколат муддати ҳар хил - 4 йилдан 7 йилгача. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам давлат бошлиғи, ҳам ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. У Қуролли кучлар Олий Бош қўмондонидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин-

ликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. Ўзбекистон Президенти 35 ёшга тўлган, Ўзбекистонда охириги 10 йил давомида доимий яшаган, давлат тилини яхши биладиган Ўзбекистон фуқаролари орасидан, умумий, тенг, тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Бир шахс кетма-кет икки муддатдан ортиқ Президент бўлиб сайланиши мумкин эмас. Президент сайлаш тартиби, ваколатлари Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилади.

ПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВИ - фавқулодда ҳолатлар жорий этилганда давлат бошқарувида қўлланиладиган вақтинчалик бошқарув шакли бўлиб, у асосан, федератив тузилишдаги давлат бошқарувида қўлланилади. У субъектлар федерал Конституция ёки қонунларни, ҳукуматнинг қонуний талабларини бузганда, инсон ҳуқуқлари поймол этилганда, жиддий тартибсизликлар рўй берганда ёки федератив давлатнинг ягоналигига хавф солинганда амалга оширилади. Президентлик бошқаруви давлат бошлиғининг махсус фармони (декрети) билан эълон қилинади. Унда конституция ва қонунларни бузувчилар айбдор сифатида

жавобгарликка тортилади, ноқонуний ҳаракат қилган давлат органлари раҳбарлари лавозимидан олиниб, ўрнига марказий давлат апаратидан вакиллар тайинланади, парламент вакиллик органи вақтинчалик тарқатиб юборилади.

ПРЕЗИДЕНТЛИК РЕСПУБЛИКАСИ - давлат бошқаруви республика шаклининг турларидан бири бўлиб, қоида бўйича Президент халқ томонидан сайланади. Унда Президент юридик ва расман давлат ҳамда ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. Ҳозирги жаҳон тажрибасида Президентлик республикасининг бир қанча кўри-нишлари мавжуд. Президентлик республикасининг классик моделига кўра (АҚШда) президент ўз маъмуриятини парламентнинг юқори (сенат) палатаси розилиги билан ташкил этади. Унинг аъзолари фақат президент олдида сиёсий жавобгар ҳисобланадилар. Бунда президент парламентни тарқатиб юбора олмайди. Лекин парламент президентга импичмент бериши мумкин. БМТга аъзо давлатларнинг 140 тасида президентлик лавозими мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги президентлик республикасидир.

ПРОКУРАТУРА - қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамма ерда бир хилда бажарилишини назорат қилувчи махсус давлат органи. Ўзбекистонда прокуратура тизимини Бош прокурор бошқаради. Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланиб, Олий Мажлис сессиясида тасдиқланади. Прокуратуранинг қуйи тузилмалари маъмурий-ҳудудий тузилишларда, вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда тузилади. Прокуратура марказлашган ва яқка бошчилик тартибида иш юритади. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларига назорат вазифасидан ташқари, тергов ишларини олиб бориш, улар устидан назорат қилиш вазифаси ҳам юкланган. Уларнинг фаолияти Прокуратура тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.

Р

РАТИФИКАЦИЯ - халқаро шартномаларни шу шартнома иштирокчилари бўлган давлат томонидан тасдиқлаш. Шартнома ратификация қилинган кучга киради. Ўзбе-

кистонда халқаро шартномалар Олий Мажлис томонидан ратификация қилинади.

РЕГЛАМЕНТ - (французча *reglement* сўзидан олинган бўлиб, «қоида» маъносини билдиради) - 1) вакиллик органларининг мажлис, йиғилиш, сессия ва съездлар ўтказиш тартиби; 2) парламент ёки унинг палаталарининг фаолият шаклини ва ички тартибини тартибга соладиган ҳамда депутатнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилайдиган (доимий ёки вақтинчалик) қоидалар тўплами (йиғиндиси). Ушбу қоидалар парламент ёки палаталар томонидан конституция, конституциявий ёки бошқа қонунларнинг принциплари ва бошқа қоидаларига мос ҳолда қабул қилинади. Парламентда регламентга амал қилинишини назорат қилувчи қўмита тузилиши мумкин; 3) ҳукумат ишининг ички ташкил этилиши ва таркибини тартибга соладиган қоидалар мажмуи.

РЕСПУБЛИКА - (лотинча “*respublika*” сўзидан олинган бўлиб, “*res*” - иш, “*publicus*” - жамият, ижтимоий деган маънони англатади) - давлат бошқарувининг республика шакли қуйидаги турларга ажратилади: 1) президентлик республикаси (АҚШ, Мек-

сика, Ўзбекистон), бунда Президент умум-халқ сайловида сайланиб, бир вақтнинг ўзида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади; 2) парламентар республика (Италия, ГФР, Венгрия) - бунда парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар ҳисобланади. Парламент президентни сайлайди. Бунда Президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланмайди; 3) аралаш типдаги республика (ярим президентлик) - бунда Президентлик республикаси билан парламентар республика хусусиятлари қўшилиб кетади. Яъни Президент умумхалқ сайловларида сайланиб, юридик ва реал кенг ваколатларга эга бўлади. Бироқ ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва у нафақат Президент олдида, балки парламент олдида ҳам сиёсий жавобгар бўлади. Бунда Президент ҳукуматга умумий раҳбарлик қилади, лекин уни бош вазир бошқаради. Президент маълум ҳолатлар юз берганда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

РЕФЕРЕНДУМ - энг муҳим масалаларни халқнинг бевосита иштирокида ҳал қилиш. Референдум - умумхалқ овози ҳисобланади.

У мамлакат ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал қилиш, қонунлар қабул қилиш учун ўтказилади. Референдум куни, унда ҳал қилинадиган масалалар Олий Мажлис томонидан белгиланади. Референдумда бюллетенга саволлар ёзилган бўлиб, фуқаролар уларга нисбатан ўз муносабатларини билдирадилар. Референдумда овоз бериш яширин ўтказилади. Ўзбекистонда ўтказилган охириги Референдумда Президентнинг ваколати 2000 йилгача узайтирилди. Референдум халқнинг жамият ва давлат ишларида иштирокини таъминловчи муҳим восита. Уни ўтказиш тартиблари махсус қонун билан белгиланган.

С

САЙЛОВ - овоз бериш орқали давлат органлари ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш воситаси. Сайловда аҳоли қатнашиши ёки уларнинг вакиллари иштирок этиши мумкин. Масалан, Президент, депутатларни сайлашда халқ иштирок этса, Олий Мажлис Раиси, унинг ўринбосарлари, Конституциявий суд, Олий суд, Хўжалик судини сайлашда депутатлар қатнашади. Сайлов очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши мумкин.

САЙЛОВЛАР - овоз бериш асосида давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш усулидир. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш уларнинг давлат бошқарувида иштирокининг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Қоида бўйича сайловлар ўтказиш тартиби ва қоидалари ҳар бир давлатнинг конституциясида ва бошқа қонунларда белгиланади. Сайловлар қайси органга сайловлар ўтказилишига қараб, парламентга ва президентликка, умумий ёки бир қисми учун, яъни парламентнинг бир қисми учун сайловлар ўтказилаётган сайлов, умумдавлат ёки маҳаллий, навбатдаги ёки муддатдан олдинги, бир партияли, кўппартияли ёки партиясиз, муқобиллик асосида ва номуқобил (ягона номзодни кўрсатиш асосида), тўғри ёки кўп босқичли, асосий ёки қўшимча сайловлардан иборат бўлади.

САЙЛОВ КВОТАСИ - депутатнинг сайланиши учун зарур бўлган энг кам овозлар сони. Сайлов квотаси ҳар бир сайлов округи учун алоҳида аниқланиши ёки бутун мамлакат учун белгиланиши мумкин. Ўзбекистонда ҳар бир округдаги рўйхатга олинган сайловчиларнинг ярмидан кўпи сайловда ишти-

рок этиб, шу сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олган депутат сайланган хисобланади.

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ - бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган давлат органлари таркибига ўтказиладиган сайловларни ташкил этувчи махсус коллегиял орган. Сайлов комиссияларининг тизими, ташкил топиш тартиби ва ваколатлари сайловлар тўғрисидаги қонунлар билан белгиланади. Ўзбекистонда сайлов комиссиялари тизимига: Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияси ва участка сайлов комиссиялари киради. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси доимий ишловчи орган. Бошқа комиссиялар фақат сайлов ўтказиш учун тузилади ва сайлов тугагач, фаолияти тўхтайтиди.

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ (САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТАДБИРЛАРИ)- (французча “campagne” - сўзидан олинган бўлиб, “сайлов ўтказиш тадбирлари” маъносини билдиради). Сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар ва ҳокимият вакиллик органларининг бўладиган сайловларда сайловчиларнинг кўпроқ миқдорда овозларини олиш учун ўтказадиган сайлов олди ташвиқот

тадбирлари тизимидир. Сайлов кампаниясида, шунинг билан биргаликда, турли қўллаб-қувватловчи гуруҳлар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар иштирок этади. Сайлов кампаниясида ташвиқот қилишнинг асосий шакллари - бу сайловчиларнинг йиғилишлари ва митинглар ўтказиш, газета ва журналларда мақолалар чоп этиш, сайловолди афишалари ва плакатларини ёпиштириш, радио ва телевиденияда чиқишлар қилиш ва бошқалардан иборат. Сайлов кампаниясида сайловолди ташвиқоти сайлов қонунларига асосан номзод рўйхатга олингандан бошлаб, сайлов кунигача олиб борилади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди. Ҳар бир номзодга ва сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Ҳар бир номзод тенг ишончли вакилларига эга бўлиб, улар номзоднинг сайланиши учун ташвиқот олиб боради.

САЙЛОВ КОРПУСИ - қонунга асосан (актив сайлов ҳуқуқи) овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар йиғиндиси (юримдик сайлов корпуси) ёки реал овоз берувчи фуқа-

ролар йиғиндиси (амалий жихатдан сайлов корпуси).

САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ - сайланиш асосида ташкил бўладиган, давлат органларининг аъзолари сайланадиган ҳудудий бирликдир. Ҳар бир сайлов округида нечта депутат сайланишига қараб, сайлов округлари бир мандатли ва кўп мандатли бўлиши мумкин. Ўзбекистонда Олий Мажлисга сайлов ўтказиш учун икки юз эллик ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сонига тенг ҳолда тузилади. Сайлов округлари рўйхатини Марказий сайлов комиссияси сайлов тайинлангандан сўнг ўн беш кун ичида эълон қилади.

САЙЛОВ ОРГАНЛАРИ - сайлов ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминловчи органлардир. Ҳар хил давлатларда сайлов органлари турлича бўлиши мумкин. Масалан, баъзи давлатларда махсус ташкил этиладиган сайлов комиссиялари ёки мавжуд давлат органлари, булар - муниципалитетлар, судлар, ички ишлар органлари. Ўзбекистон Республикасида сайлов орган-

лари тизимини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этади.

САЙЛОВ ТИЗИМИ - сайлов ўтказиш тартибларининг ҳамда уларни ўрнатувчи ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси ҳисобланади. У ўз ичига сайловни ўтказувчи барча ҳуқуқий ҳужжатлар, сайлов тизими тамойиллари, фуқароларнинг барча сайлов ҳуқуқларини олади.

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ - овоз бериш ва овозларни ҳисоблаш учун ташкил этиладиган ҳудудий бирликлар. Сайлов участкалари 1997 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги ва 1997 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ сайлов тайинлангандан кейин округ сайлов комиссияси томонидан 50 кундан кечикмай тузилади. Сайлов участкаси комиссиялари 5-19 нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

САЙЛОВ ЦЕНЗЛАРИ (САЙЛОВДА ЧЕКЛАШ ШАРТЛАРИ) - конституция ёки сайлов

тўғрисидаги қонунларда сайлов ҳуқуқларини олиш ёки амалга ошириш учун ўрнатилган шартлар. Турли давлатлар конституциявий тажрибасида сайлов цензларининг қуйидаги турлари мавжуд. Ёши, фуқаролиги, ақллилиги, мулкӣ, билим, жинси, ирқӣ, хизмати, тилига қараб шартлар белгиланади. Бу чеклаш шартларининг баъзилари - мулкӣ, жинсий, ирқӣ кабилар демократик принципларга мутлақо тўғри келмайди. Бошқалари ҳар бир давлатнинг сайлов тўғрисидаги қонунларида белгиланган доирада амалда мавжуддир. Масалан, сайлаш ҳуқуқи 18 ёшдан, сайланиш ҳуқуқи номзоднинг қайси органга сайланишига қараб турли ёш белгиланиши мумкин (қаранг: *Пассив сайлов ҳуқуқи*).

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ - икки маънода ишлатилади. Биринчидан, сайловни ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солувчи ҳуқуқӣ меъёрлар йиғиндиси; иккинчидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари, яъни овоз бериш, сайланиш, сайлов даврида бошқа тадбирларда, номзодлар кўрсатиш, номзодларни муҳокама қилиш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиш ҳуқуқлари. Сайлов ҳуқуқи Конституция ва қонунлар билан белгиланади.

САЙЛОВЧИ - сайлаб қўйиладиган давлат ва жамоат органларидаги лавозимларга ва вакиллик органлари депутатлигига ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунидан 18 ёшга тўладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб турган фуқаролар сайловчилар ҳисобланади. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилади. Бирор бир сабабга кўра, сайловчилар рўйхатига вақтида кирмай қолган сайловчи унинг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан участка сайлов комиссияси томонидан рўйхатга киритилади. Сайловчи умумхалқ овозига қўйилган қарорларни, Ўзбекистон Президентлигига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадир. Баъзи давлатларда сайловчи ушбу функцияни бажариш учун сайланади (АҚШ Президентини сайлаш учун сайловчилар), ёки эгаллаган лавозимига асосан (Францияда сенатни сайлашда муниципалитет аъзолари) бажаради.

САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ - фуқаронинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқлаш тартиби; бу иш тегишли

органлар томонидан амалга оширилади. Сайловчиларни рўйхатга олишнинг аҳамияти шундаки, унинг натижасида сайловдан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаронинг шахсини аниқлаш ва фақат шу шахс сайлов бюллетенини тўлдириб, сайлов қутисига ташлаш имконияти вужудга келади. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунига 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади. Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва манзили кўрсатилади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР - қараш ва мақсадлари бир бўлган турли табақа ва гуруҳлардаги фуқароларнинг сиёсий мақсадни кўзлаб тузган бирлашмалари - ташкилотларидир. Улар аниқ аъзолардан тузилади. Сиёсий партиялар сайловларда иштирок этиб, тегишли органларга ўз вакилларини ўтказиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятида иштирок этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тўртта сиёсий партия мавжуд бўлиб, булар - Халқ демократик

партияси, “Адолат” социал-демократик партияси, “Фидокорлар” миллий демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси. Сиёсий партиялар тегишли тартибда рўйхатга олингач, фаолиятини амалга оширади. Уларнинг фаолияти Конституция ва махсус қонунлар билан тартибга солинади.

СИЁСИЙ РЕЖИМ - жамиятда сиёсий (давлат ҳокимияти ҳам биргаликда) ҳокимиятни амалга оширишнинг усуллари, услублари, шакллари, йўллари тизимини белгилайди. Бу ҳокимиятнинг функционал тавсифидир. Давлатчилик тарихида сиёсий режим иккита катта гуруҳга бўлинади: демократик ва демократияга зид режимдаги сиёсий режим. Ўз навбатида, демократияга зид режим учга - тоталитар, фашистик, авторитар турларга ва демократик режим либерал - демократик ва асл демократик режимга бўлинади.

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР - фуқароларнинг давлатни бошқаришда, давлат органларини тузишда ва бошқа жамоат ишларида иштирок этишини таъминловчи ҳуқуқлардир. Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари Конституциянинг VIII

бобида берилган. Сиёсий ҳуқуқларга сайлов ҳуқуқи, референдумда иштирок этиш, митинглар, намоёишлар, йиғилишлар ўтказиш, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, давлат органларига муносабат этиш ҳуқуқлари кирди.

СУВЕРЕНИТЕТ - ҳокимиятнинг олийлиги, мустақиллиги бўлиб, мамлакатнинг мустақиллигини билдирувчи тушунча. Конституциявий ҳуқуқда давлат суверенитети, миллат суверенитети, халқ суверенитети тушунчалари ишлатилади. Давлат суверенитети - ҳокимиятнинг мамлакат ичида олийлиги ва ташқи муносабатларда тўла мустақиллигидир. Бунда ҳеч қандай ташқи давлат давлат ишларига таъсир қила олмайди. Миллат суверенитети - миллатларнинг тўла ҳокимиятини, уларнинг тўла сиёсий эркинлигини, ўз ҳаётини ихтиёрий ташкил қила олишини, мустақил давлатни ташкил қила олишини билдиради. Халқ суверенитети - халқнинг тўла ҳокимиятини билдиради, яъни халқ жамият ва давлатни бошқариш имкониятини берадиган ҳамма иқтисодий ва сиёсий воситаларга эга бўлади.

СУД - одил судловни амалга оширувчи орган

бўлиб, муайян давлатнинг амалдаги қонунларига асосан процессуал тартибда жиноий фуқаролик, маъмурий ва бошқа тоифадаги ишларни ҳал этади. Суд оддий ва фавқулодда судларга бўлинади. Фавқулодда судларни ташкил этиш деярли барча давлатлар конституциясида ман этилган. Оддий судлар умумий ваколатли ва ихтисослаштирилган: яъни ҳарбий, хўжалик (арбитраж, савдо) божхона, солиқ, (молиявий), меҳнат низолари бўйича ва бошқалар бўлиши мумкин. Суднинг алоҳида турлари Конституциявий ва маъмурий судлар ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда ҳатто диний судлар (масалан, мусулмон давлатларида шариат судлари - Эрон, Покистон, Судон ва б.) оддий ҳуқуқ (масалан, Африка ва Океаннинг тропик давлатларида қабила судлари) судлари. (қаранг: *Ўзбекистон судлари ҳақида суд тизими*)

СУД ТИЗИМИ - ҳокимиятнинг бўлиниши принципи натижасида вужудга келган ва ҳар қандай бошқа органлардан мустақил равишда амалга ошириладиган давлат ҳокимиятининг бир туридир. Суд ҳокимияти суд органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистонда суд ҳокимияти Конституциявий суд, одил судлов органлари ва хўжалик

судлари томонидан амалга оширилади. Суд тизими деб, қонун асосида ташкил қилинадиган ва иш юритадаган суд органларининг йиғиндисига айтилади. Судлар фақат қонунга бўйсунди. Уларни ташкил қилиш тартиби, вазифалари Конституция ва маҳсус қонунлар билан тартибга солинади.

СУД ҲОКИМИЯТИ - Конституция, давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципига асосан ҳокимият тармоғи бўлиб, у суд органлари орқали амалга оширилади. Улар Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик судидан ташкил топади. (қаранг: *Суд тизими*).

СУДЬЯ - суд ҳокимиятини амалга оширилишини таъминловчи мансабдор шахс. (қаранг: *Судьяларнинг мустақиллиги*).

СУДЬЯЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ - демократик давлатларда одил судловнинг конституциявий принципи бўлиб, судьялар, халқ маслаҳатчиларининг судлов ишини фақат қонун асосида хал этишига асосланади. Судьяларга ва халқ маслаҳатчиларига ташқаридан ҳеч қандай таъсир ўтказилиши мумкин эмас. Судьялар муста-

қилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲУҚУҚИ (МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ҲИМОЯ) - шахснинг

асосий конституциявий-ижтимоий ҳуқуқларидан бири бўлиб, унда ҳар бир шахс давлат ва хусусий соғлиқни сақлаш муассасаларида малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланади. Шунингдек, бунда давлатнинг аҳоли соғлиғини сақлашда ва ҳимоя қилишда умумий чоралар кўриш мажбурияти белгиланади.

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ - инсоннинг шахсий ва фуқаронинг сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, “оммавий ахборот эркинлиги” деб номланган умумий ҳуқуқнинг таркибий қисмидир. Ўзининг фикрларини, хоҳишини оммавий тарзда оғзаки, ёзма, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда баён этилишида ифодаланади.

Т

ТАБИЙ ХУҚУҚ - конституциявий ҳуқуқ назариясидаги тушунча бўлиб, инсонга табиатнинг ўзи томонидан инъом этилган принциплар, қоидалар, ҳуқуқлар ва қадриятлар мажмуини англатади. Табиий ҳуқуқнинг мавжуд бўлиши, бу - унинг бирор бир давлат томонидан қонуний тан олиниши ва таъминланиши. Масалан, яшаш ҳуқуқи – табиий ҳуқуқдир.

ТАДБИРКОРЛИК ЭРКИНЛИГИ - демократик жамиятда инсоннинг асосий конституциявий иқтисодий эркинликларидан бири. Бу ўз ичига тадбиркорлик учун ўз қобилияти ва мулки, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи, корхоналар тузиш ҳуқуқи, ишлаб чиқариш воситаларига, шу жумладан, ерга эгалик қилиш, олинган фойдани мустақил тақсимлаш ҳуқуқини олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси тадбиркорлик эркинлигини ҳуқуқий кафолатлайли.

ТАКРОРИЙ САЙЛОВЛАР - сайловлар ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган (масалан, сайловчиларнинг келганлиги

тўғрисидаги кўрсаткичлар фоизи жуда паст бўлса) ҳолларда ёки сайлов кампанияларида овоз бериш тартиби, унинг натижаларини аниқлашда қонунлар бузилганлиги туфайли бўлиб ўтган сайловлар ҳақиқий эмас деб тан олинган ҳолларида ўтказилмайдиган сайловлар. Такрорий сайловларни ўтказиш муддати сайлов тўғрисидаги қонунлар ёки ваколатли сайлов органлари қарорлари билан белгиланади.

ТЕНГ ВАКИЛЛИК - сайлов тизими принципи бўлиб, унга кўра битта вакиллик органининг депутати тенг миқдордаги сайловчилар томонидан сайланиши шарт.

ТЕНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ - сайлов ҳуқуқига эга мамлакат фуқароларининг сайловларда тенг иштирок этишидир. Тенглик сайлашда ҳам, сайланишда ҳам таъминланади. Тенг сайлов ҳуқуқи ҳар бир фуқаронинг битта овозга эгаллиги билан, ҳамма учун бир хил вакиллик нормаси ўрнатилиши билан рўёбга чиқарилади. Бир сайловчининг бир сайлов участкасида рўйхатга олиниши ва шу ердагина овоз бериши мумкинлигининг ўрнатилиши тенг сайлов ҳуқуқини кафолатлайди. Тенг сайлов ҳуқуқи Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйил-

ган ва у сайлов ҳуқуқининг асосий тамойилларидан биридир.

ТЕНГ ФУҚАРОЛИК - қатор мамлакатлар Конституциявий ҳуқуқидаги принцип бўлиб, унга кўра фуқаролар муайян давлатнинг фуқаролигини олиш, асос (усул)ларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларга эга бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддаси иккинчи қисмига кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

ТУМАН - Ўзбекистон Республикасида қуйи маъмурий-ҳудудий бирликлардан бирининг номланиши. Туманлар 2 хил - бевоқиф вилоятлар таркибидаги туманлар ва шаҳарлар таркибидаги туманларга бўлинади. Туманларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари - туман ҳокимлари ва халқ депутатлари туман Кенгашлари бошқаради.

ТЎҒРИ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ - сайлов ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бўлиб, бу ҳуқуқ орқали сайловчилар ҳар қандай поғонадаги давлат органларини тузишда

бевосита иштирок этади. Тўғри сайлов ҳуқуқи натижасида Президент, Олий Мажлис депутатлари тўғридан-тўғри сайловчилар томонидан сайланиб, уларнинг вакили ҳисобланади. Бу ҳуқуқни сайловчилар истиқомат жойларида овоз бериш орқали амалга оширадилар. Тўғри сайловда сайловчининг овози депутатларни, Президентни сайлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тўғри сайлов ҳуқуқи Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган.

У

УМУМИЙ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ - бу ҳуқуқ орқали мамлакат фуқароларининг кўпчилик қисми сайловларда иштирок этади. Сайлов ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бўлган умумий сайлов ҳуқуқи ортиқча чеклашларнинг бўлмаслигига олиб келади. Сайловлар ҳаддан ташқари кўп ва асоссиз чеклашлар билан ўтказилса, сайлов умумий бўлмайди. Умумий сайлов натижасида фуқаролар маълум ёшга етгач, муомала лаёқатига эга бўлса, сайловда иштирок эта олади. Умумий сайлов ҳуқуқи Конституция ва қонунларда белгиланган.

УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ - халқ муҳо-

камасига қўйилган қонун лойиҳасига кiritиш учун фикрлар, таклифлар юбориш билан, уларда намоён бўладиган фуқароларнинг ва уларнинг ташкилотларининг ҳуқуқ ижодкорлиги, иштирок этиш шакли. Бу - демократиянинг бевосита кўринишидир. Юқоридаги таклифлар қонун чиқарувчи органга юборилиб, бу орган қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида уларни расман ҳисобга олишини тақозо этади.

УНИТАР ДАВЛАТ- давлатнинг оддий кўриниши бўлиб, у давлат тузилиши шаклларида бири ҳисобланади. Унитар давлатда ҳудуд, Конституция, фуқаролик, Олий давлат ҳокимияти ягона бўлади. Унинг таркибида давлат белгилари мавжуд миллий-ҳудудий тузилмалар ҳам бўлиши мумкин, масалан, мухтор вилоят, мухтор республика. Ўзбекистон таркибида давлат тузилишига хос белгилари мавжуд бўлган Қорақалпоғистон Республикаси мавжуд.

Ф

ФАВҚУЛОДДА СУДЛАР- алоҳида суд органлари бўлиб, истисно ҳолатларида тузилади (уруш, фавқулодда ҳолат амалда бўлган

пайтда, давлат тўнтариши). Фавқулодда судлар ҳар доим террористик характерга эга. Фавқулодда судлар одатдаги ўрнатилган қонунлар билан белгиланадиган судлов тартиби қоидаларига алоқаси йўқ. Улар ҳаттоки, кўпинча одил судловнинг энг элементар принципларига амал қилмайди. (Масалан, айбсизлик презумцияси, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи). Одатда, фавқулодда судлар ўз ишларини ёпиқ ҳолда кўради ва уларнинг қарорлари устидан шикоят қилинмайди. Шунинг учун бугунги дунёдаги барча маърифий, демократик мамлакатларнинг конституцияларида фавқулодда судларни тузиш тўғридан-тўғри тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига мувофиқ фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАР - Конституциявий ҳуқуқнинг муҳим институтларидан бири, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятининг алоҳида режими бўлиб, бу режимга мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари махсус қонунларда белгиланган тартибда чекланади. Шунингдек,

улар зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклатилади. Фавқулодда ҳолатлар одатда вақтинчалик тадбир бўлиб, авваламбор, жамоатчилик ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўрнатилади. Фавқулодда ҳолатлар ўрнатиш учун қуйидаги ҳолатлар асос бўла олади: 1) реал ташқи хавф; 2) оммавий тартибсизликлар; 3) йирик ҳалокат; 4) табиий офат, эпидемиялар. Кўпчилик мамлакатларда фавқулодда ҳолатни жорий этиш давлат бошлиқлари зиммасида бўлиб, парламент томонидан тасдиқланиши шарт ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фавқулодда ҳолатни Ўзбекистон Президенти жорий этади. Бу ҳақдаги қарор уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилади. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-модда, 15-банд).

ФАРМОН - айрим мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда давлат бошлиғи - Президент томонидан қабул қилинадиган ҳужжатнинг номи. Ўзбекистон Президенти ўзига тегишли ваколатлар юзасидан фармонлар чиқаради. Фармон қонундан кейинги юқори юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти янги марказий органлар тузса ёки

уларни бекор қилса, марказий орган раҳбарларини лавозимга тайинласа, лавозимдан озод қилса, чет мамлакатларга дипломатлар тайинласа, фуқароларни орден-медаллар, фахрий ёрликлар билан мукофотласа, амнистия эълон қилса ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда фармон чиқаради.

ФЕДЕРАТИВ ДАВЛАТ - давлат тузилишининг мураккаб шакли. Федератив давлат - маълум сиёсий мустақилликка эга давлатларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади. Федератив давлат таркибига кирувчи миллий ва ҳудудий тузилмалар федерация субъектлари деб аталиб, улар турли ҳуқуқий мақомга эга бўлади. Федератив давлат миллий ёки ҳудудий тамойиллар асосида тузилиши мумкин. Федерациянинг субъектлари республика, вилоят, ўлка (Россияда), штат (АҚШ ва Ҳиндистонда), ерлар (Германияда) деб аталади. Федератив давлатларда бир неча Конституция, бир неча фуқаролик бўлади.

ФИКРЛАШ ЭРКИНЛИГИ - инсоннинг энг асосий шахсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, энг аввало, шахснинг ҳар қандай мафқуравий тазйикдан холи, эркин эканлигини,

ҳар ким ўзи учун хоҳлаган маънавий кадриятлар тизимини мустақил танлашини англатади. Фикрлаш эркинлиги инсоннинг интеллектуал ва маънавий ҳаётининг ҳамма йўналишларини ўз ичига олади. Фикрлаш эркинлиги инсоннинг мутлоқ ҳуқуқи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига кўра, ҳар ким фикрлаш эркинлиги ҳуқуқига эга, фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

ФРАКЦИЯ - Олий Мажлис фракциялари сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан кўрсатилган ва уларга мансублигига қараб уюшган депутатлар бирлашмасидир. Улар тегишли вакиллик органлари ва сиёсий партиялар манфаатини кўзлайди, масалаларни муҳокама этишда иштирок этиб, умумий фикрга эришишга ҳаракат қилади. Ҳозир Олий Мажлизда қуйидаги фракциялар мавжуд: Халқ демократик партияси, “Фидокорлар” миллий демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари.

Фракцияларнинг фаолияти Олий Мажлис Регламенти билан белгиланади.

ФУҚАРО - шахснинг ҳуқуқий асослар орқали маълум давлатга мансублиги. Шахс фуқаро ҳисобланса, маълум ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади ҳамда бурчларни бажаришга мажбур бўлади. Фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати тегишли мамлакатда фуқаросиз шахсларнинг ёки хорижий мамлакатлар фуқароларининг ҳуқуқий ҳолатидан фарқ қилади. Масалан: сиёсий ҳуқуқлар фақат фуқароларга тааллуқли бўлади.

ФУҚАРО МАЖБУРИЯТИ - давлатнинг ўз ҳудудида бўлган ҳар қандай шахс ёки ўша давлат фуқаросига, у қаерда бўлишидан қатъи назар конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар асосида қўядиган талабидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон фуқаролари Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадрқимматини ҳурмат қилишга (48-модда); Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга (49-модда); атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга (50-модда); қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғим-

ларни тўлашга (51-модда), шунингдек, қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар (52-модда).

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ - фуқароларнинг халқ ҳокимиятини амалга оширишининг, давлат ва жамият ишларида иштирок этишининг воситаларидан биридир. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг (аҳолининг) йиғинлари ҳисобланади. Ўзини ўзи бошқариш органлари шаҳарча, қишлоқ, овулларда, уларнинг таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда ташкил қилинади. Шу ердаги аҳоли ўз йиғинларида икки ярим йил муддатга Кенгаш ва Раисни (оқсоқолни) сайлайди. Улар доимий ишловчи ўзини ўзи бошқариш органларидир. Фуқаролар йиғини ёки уларнинг вакиллари йиғилишида шу ерда истиқомат қилувчи 18 ёшга етган барча фуқаролар иштирок этиши мумкин. Ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш тартиби, вазифаси, ваколатлари дастлаб 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунда белгилаб қўйилган эди.

Бу Қонун 1999 йил 14 апрелда янги таҳ-
рирда қабул қилинди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ТЕНГ ХУҚУҚЛИЛИГИ - Конституциявийликнинг асосий принципларидан ва демократиянинг асосий элементларидан бири бўлиб, фуқароларнинг давлат, қонун, суд олдида тенг деб расман тан олиниши, яъни муайян давлат фуқароларининг жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан, яшаш жойи, динга муносабати, эътиқодидан қатъи назар ҳуқуқ ва эркинликларда, мажбуриятларда тенг эканлигини англатади. Ушбу конституциявий принцип Ўзбекистон Конституциясининг 18-моддасида мустаҳкамланган.

ФУҚАРОЛИК - маълум шахснинг маълум бир давлат билан барқарор ҳуқуқий алоқа ўрнатиши. Шахс фуқароликка эга бўлгач, давлат унинг ҳамма ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этади, уларни амалга ошишини таъминлаш чораларини кўради. Фуқароларнинг манфаатини давлат, фуқаролар бошқа мамлакатлар ҳудудида турган вақтда ҳам ҳимоя қилади. Ўз навбатида, фуқаролар давлат, жамият олдида баъзи бурчларни бажарадилар. Ўзбекистонда ягона

фуқаролик ўрнатилган, яъни Ўзбекистон фуқаролари бир вақтнинг ўзида бошқа мамлакатларнинг фуқаролари бўлиши мумкин эмас.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ- маълум ижтимоий тизим бўлиб, унда шахсга иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинлик қафолатланади. Фуқаролик жамиятида умуминсоний ҳуқуқлар таъминланади ва сиёсий турли фикрлилик ўрнатилади. Фуқаролик жамиятида давлат фаолияти юзасидан фуқароларнинг тўла назорати ўрнатилади, давлатнинг кўпгина вазифалари маҳаллий жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат бирлашмаларига, нодавлат ташкилотларига ўтади. Ҳозир Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

ФУҚАРОЛИКДАН ЧИҚИШ - ҳар бир фуқаро, жумладан, Ўзбекистон Фуқароси ўз ихтиёри билан фуқароликдан чиқиши мумкин. Фуқароликдан чиқмоқчи бўлганлар олдига маълум шартлар қўйилади, яъни улар давлат, жамоа, фуқаролар олдига ҳеч қандай мажбуриятга, қарзга эга бўлмас-

лиги, давлат ва ҳарбий сирлардан воқиф бўлмаслиги керак. Агар фуқароликдан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган бўлса ёки унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса, у фуқароликдан вақтинча чиқарилмайди. Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон фуқароси фуқаролигини йўқотади: 1) чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти идораларига ишга кирса; 2) чет элда яшовчи Ўзбекистон фуқароси беш йил давомида узрли сабабсиз консуллик ҳисобига турмаса; 3) фуқароликни сохта ҳужжатлар тақдим этиб олган бўлса. Фуқароликдан чиқариш Ўзбекистон Президенти ваколатига киради.

ФУҚАРОЛИККА ЭГА БЎЛИШ - бунинг бир неча йўллари бор. Фуқароликка туғилиш билан эга бўлинади, яъни Ўзбекистон фуқароларининг фарзандлари, улар қайси мамлакатда туғилмасин Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади. Ота-оналари турли мамлакат фуқароси бўлган фарзандларнинг фуқаролиги қонун билан ҳал қилинади. Фуқаросиз шахслар ёки чет эл фуқаролари ўз ихтиёрлари билан Ўзбекистон фуқаро-

лигига ўтиши мумкин. Бунда улар маълум муддат Ўзбекистонда яшаган, чет эл фуқароси бўлса, тегишли мамлакат фуқаролигидан чиққан бўлиши, қонуний тирикчилик манбаларига эга бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тан олиши ва бажариши керак. Фуқароликка қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Президенти ваколатига киради.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ - фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилаш, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек, бошқа мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидан иборат. Фуқаролик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига асосланади.

ФУҚАРОЛИКНИ ТАН ОЛИШ - фуқароликка эга бўлиш усулларида бири бўлиб, у давлатнинг ўз ҳудудида доимий яшаб келаётган ёки тегишли қонунда белгилан-

ган тартибда мазкур давлат фуқаролигига қабул қилинган шахсларнинг мавжуд ҳуқуқий ҳолатини юридик мустаҳкамлайдиган ўз ихтиёрига кўра амалга оширадиган хатти-ҳаракати. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги 1992 йил 2 июль қонунининг 4-моддасига кўра, келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури, савиясидан қатъи назар, ушбу қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари деб тан олинади.

ФУҚАРОСИЗ ШАХСЛАР - бирор бир мамлакатга ҳуқуқий мансуб бўлмаган шахслардир. Бундай шахслар ҳар қандай мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Улар сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланмайди. Ўзларининг хоҳиши билан Ўзбекистон фуқаролигига ўтиши мумкин. Фуқаросиз шахсларнинг манфаати, ҳуқуқ - эркинликлари қонун билан ҳимоя қилинади.

Х

ХАЛҚ - Конституциявий ҳуқуқ фанида одатда муайян давлатнинг барча аҳолиси тушунилиб, у ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий умумийликни вужудга келтиради (гарчи у бир неча миллий умумийликка бўлинган бўлса-да). Шу маънода, замонавий конституцияларда халқ тўғрисида “суверенитет эгаси” ва “ҳокимиятнинг бирдан бир манбаи” деган иборалар кўп ишлатилади. Ўзбекистон Конституциясига кўра халқ, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир (7-модда). Шунингдек, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. (8-модда).

ХАЛҚ ВАКИЛЛИГИ - Халқ ҳокимиятига хос хусусият бўлиб, у орқали халқ ҳокимиятни ўзларининг сайлайдиган вакиллари орқали амалга оширади. Маълумки, Ўзбекистон Конституциясининг 76-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Жойлардаги халқ вакилиги — халқ депутатлари кенгашидир.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ - Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидир. Улар депутатлардан иборат бўлади. Бу органлар вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда ташкил қилинади. Шаҳар таркибидаги туманларда ва туманга бўйсунувчи шаҳарларда халқ депутатлари кенгашлари ташкил қилинмайди. Кенгашлар шу ҳудуддаги фуқаролар томонидан умумий, тенг, тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Уларга 21 ёшга тўлган фуқаролар сайланади. Вилоят кенгашлари ва Тошкент шаҳар кенгашига 60тагача, туман ва шаҳар кенгашларига 30тагача депутат сайланади. Халқ депутатлари кенгашларини сайлаш тартиби сайлов тўғрисидаги Қонунда, уларнинг тизими, вазифаси, ваколатлари Конституция ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда белгиланган.

ХАЛҚ СУВЕРЕНИТЕТИ - Конституциявий ҳуқуқ фанида суверенитетнинг кўринишларидан бири бўлиб, халқнинг тўла ҳокимият эгаси эканлигини, яъни халқнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда реал иштирок этиш учун ижтимоий-иқти-

содий ва сиёсий воситаларга эга бўлишидир. Халқ суверенитети барча демократик давлатларда конституциявий тузум принципларидан бири саналади.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ - демократияни ҳозирги умуммиқёсда қабул қилинган тушунишнинг энг муҳим элементларидан бири. Халқ ҳокимиятчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўртта асосий принципларидан биридир.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ - халқнинг ўз хоҳиш-иродасини амалга ошириш усулидир. Демократик мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳокимиятнинг ягона манбаи халқдир. Халқ ўз ҳокимиятини, ўзи сайлаб қўйган ёки тузадиган органлар орқали рўёбга чиқаради. Халқ ҳокимияти давлат ҳокимияти орқали сиёсий жараёнга айланади. Агар ҳокимият бирон-бир нарсага эга бўлиш, таъсир ўтказиш, ҳатто мажбурлаш имкониятига эга бўлса, шу имкониятни халқ давлат ҳокимияти орқали амалга оширади. Халқ ҳокимияти - сайлов, референдум, муҳокамаларда иштирок этиш, ўзини ўзи бошқариш органлари каби тушунчалардан вужудга келади. Халқ ҳокимияти халқ суверенитетининг ифодасидир.

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ УСТУВОРЛИГИ
ВА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ҲАРАКАТДА БЎ-
ЛИШИ ПРИНЦИПИ** - бир қатор давлатлар
конституциявий ҳуқуқидаги принцип бў-
либ, унга кўра умумэътироф этилган прин-
циплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари те-
гишли мамлакат ҳуқуқ тизимининг тар-
кибий қисми ҳисобланади. Ушбу принцип
биринчилардан бўлиб, 1919 йилги Герма-
ния ва 1920 йилги Австрия Конституция-
ларида мустаҳкамланди. Ўзбекистонда хал-
қаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қои-
далари устунлигининг тан олиниши Ўзбе-
кистон Республикаси Конституциясининг
муқаддимасидан ўрин олган.

ХЎЖАЛИК СУДИ - мулкчиликнинг турли
шаклларига асосланган корхоналар, муас-
сасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунинг-
дек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт
соҳаси ва уни бошқариш жараёнида ву-
жудга келадиган хўжалик низоларини ҳал
этувчи ваколатли давлат ҳокимиятининг
мустақил суд органидир. Хўжалик суди ўз
фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг
Конституциясига, Судлар тўғрисидаги қо-
нунга, Ўзбекистон Республикасининг Хў-
жалик процессуал кодекси ва бошқа қонун

ҳужжатларига ва халқаро шартномалар ва битимларга асосланиб олиб боради.

Ц

ЦЕНЗУРА - босмадан чиқарилган маҳсулотнинг мазмуни, унинг чоп этилиши ва тарқатилиши устидан, шунингдек, сахна асарлари, радио эшиттиришлар ва телевизион кўрсатувлар, баъзида эса шахсий ёзишмаларнинг мазмуни ҳамда ижроси устидан расмий ҳокимият идораларининг назорат олиб бориши. Бундан мақсад - ўша ҳокимият идоралари томонидан зиён етказувчи ёки номаъқул деб ҳисобланган ғоялар ва маълумотлар (давлат ва жамият манфаатларига зид) тарқатилишини тақиқ-лаш ёки чеклашдан иборат. Кўплаб замонавий конституцияларда ахборот эркинлиги эътироф этилиб, цензура тўғридан-тўғри тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасига кўра Ўзбекистонда цензурага йўл қўйилмайди.

Ч

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ - Ўзбекистон ҳудудида яшаётган, бошқа мамлакатларнинг фуқаролигига эга шахслар. Уларнинг Ўзбе-

кистонда бўлишларига турли сабаблар бўлади. Масалан, шартномалар асосида Ўзбекистонда ишлаши, ўқиши, чет элларнинг дипломатик ва консуллик идораларида ишлаши, сайёзлик йўлланмаси билан келиши ва хоказолар. Уларнинг ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро шартномалар билан белгиланади.

Ш

ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ ҲУҚУҚИ

- инсоннинг асосий конституциявий шахсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, шахсий ва оилавий сирларни қонун билан ҳимоя қилишни англатади. Дунёдаги энг янги Конституциялар шахснинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни уни розилигисиз тўplash, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишни тақиқлаб, бу қонун билан шахсий ҳаёт дахлсизлигининг кафолати сифатида белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-27-моддалари шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқини мустаҳкамлайди.

ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР - фуқароларнинг табиий ҳуқуқлари бўлиб, улар шахснинг ҳаёти, соғлиғи, номуси, қадр - қимматини таъминлайди. Шахсий

ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан берилмайди, уларга ҳар бир шахс туғилиши билан эга бўлади, давлат эса шу ҳуқуқ ва эркинликларни тўла таъминлашга мажбур. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсонга тегишли бўлган бошқа ҳуқуқ ва эркинликларга нисбатан устувор туради, улар муқаддасдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясида бу ҳуқуқлар бошқа ҳуқуқларга нисбатан аввал қайд қилинган. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга: яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик, яъни ҳеч кимнинг, агар бунга асос бўлмаса, қамоққа олиниши, ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, турар жой дахлсизлиги, қийноққа солинмаслик, виждон эркинлиги ва бошқа ҳуқуқ-эркинликлар киради.

Э

ЭРКАК ВА АЁЛЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИ - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасига кўра, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар. Бу кўпроқ аёллар ҳуқуқини эркаклар ҳуқуқига тенглаштиришни мақсад қилиб кўяди.

ЮРИДИК ЁРДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ - инсон ҳуқуқларининг энг асосий конституциявий кафолатларидан бири бўлиб, у, энг аввало, жиноят жараёни (процесси)да инсоннинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя этишни таъминлашга қаратилган. Бу ҳуқуқнинг асосий мазмуни, аксарият давлатларнинг суд жараёнида (кўпроқ жиноий ишларда) адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлигида ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига кўра юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади.

ЮРИДИК ШАХС - ўз мулкига, хўжалик юриштида ёки оператив бошқарувда алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотдир. Юридик шахснинг турларига тижоратчи бўлган ва тижоратчи бўлмаган ташкилотлар киради.

Я

ЯГОНА ФУҚАРОЛИК - Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг асосий принципи бўлиб, Конституциянинг 21-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ягона фуқаролик ўрнатилади. Ушбу модданинг учинчи қисмида Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси, айти вақтда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланиши тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган. Бу принцип ва қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги қонунда ҳам мустаҳкамланган.

ЯШАШ ЖОЙИ - фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойидир. Ўн тўрт ёшгача бўлган болаларнинг ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари - оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой - яшаш жойи ҳисобланади. Яшаш жойида фуқаролар тегишлича рўйхатдан ўтадилар.

ЯШАШ ЖОЙИ ДАХЛСИЗЛИГИ - инсоннинг асосий конституциявий шахсий ҳуқуқларидан бири. Унинг маъноси - уй-

жойга у ердаги яшовчи шахснинг хоши-иродасига қарши ҳеч ким киришга ҳақли эмас. Яшаш жойи дахлсизлигининг асосий конституциявий кафолати шундан иборатки - уй-жойни тинтув қилиш фақатгина тегишли органларнинг қарорига асосланиб ўтказилади. Яшаш жойи дахлсизлиги ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси билан кафолатланади.

ЯШАШ ҲУҚУҚИ - инсоннинг ажралмас муқаддас ҳуқуқидир. Инсоннинг ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланади. Яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч ким ҳақли эмас. Фақат энг оғир жиноятлар учун суд ҳукми билан ўлим жазоси берилиши мумкин. Бу фавқулодда ҳолат ҳисобланади ва давлат бошқа кишиларнинг ҳаётини сақлаш мақсадида охириги чора сифатида ушбу жазони қўллашга мажбур.

ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ - овоз беришнинг бир тури. Бу очиқ овоз беришга нисбатан демократик ҳисобланади. Сабаби, овоз берувчи алоҳида хонада ҳеч кимнинг иштирокисиз овоз беради, демак, унга ҳеч ким таъсир кўрсата олмайди, натижада, у ўз хошишига кўра овоз беради. Яширин овоз беришда овоз бериш натижаси ҳам ҳеч

кимга маълум бўлмайди, чунки сайлов қозғоғлари бир хил, уларда ҳеч қандай белги, рақам йўқ. Бу ҳам сайловчига эркин овоз бериш имкониятини туғдиради.

Ў

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ - 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафили; Ўзбекистон Республикаси суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофоза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чоратадбирлар кўради; мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради ва ҳоказолар (93-модда). Ўзбекистон Республикасининг Президенти республика Қуролли

кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қасамёд қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИ ПРИНЦИПЛАРИ - Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасида амал қилинадиган қоидалар. Булар давлатнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан музокаралар олиб бориш орқали ҳал қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишига

аралашмаслик, халқаро ҳуқуқнинг умум-
этироф этилган қоидаларини тан олиш
ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУ- МАТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ - Ўзбекистон

Республикасининг ҳукумати - Вазирлар
Маҳкамаси томонидан ўз компетенцияси
доирасида Ўзбекистон Республикаси Кон-
ституцияси, қонунлари ва Президент фар-
монларига асосланиб ҳамда уларнинг иж-
росини таъминлаш юзасидан чиқарила-
диган, умуммеъерий характерга эга бошқар-
ув ҳужжатидир. Ўзбекистон Республикаси
ҳукуматининг қарорларига Вазирлар Маҳ-
камаси Раиси имзо чекади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ - мамлакатда яшовчи
асосий ва кўпчилик аҳоли. Агар Ўзбекис-
тонда яшовчи ҳамма кишиларни Ўзбекис-
тон аҳолиси десак, уларнинг мутлоқ кўп-
чилигини Ўзбекистон халқи ташкил этади.
Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи
назар, Ўзбекистон фуқаролари ташкил
этади. Демак, халқни аниқлашда уларнинг
миллати эмас, фуқаролиги ҳал қилувчи
белги ҳисобланади. (Конституциянинг 8-
моддаси).

Қ

ҚОНУН - мамлакат миқёсида олий юридик кучга эга ҳужжат. Қонун мамлакатнинг олий вакиллик органи - Ўзбекистонда Олий Мажлис томонидан қабул қилинади. Қонунлар умумхалқ овози - референдум йўли билан ҳам қабул қилиниши мумкин. Қонунлар муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинади. Қонунлар - конституциявий қонунлар ва оддий қонунлар шаклида қабул қилиниши мумкин. Қонун қабул қилишнинг аниқ жараён ва тартиблари белгиланган. (қаранг: *Қонунчилик*).

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ - қабул қилиниши таклиф этилаётган қонуннинг матни бўлиб, қонун чиқарувчи орган муҳокамасига киритиш учун тайёрланган бўлади. Қонун лойиҳаси тайёрлаш жараёни - лойиҳани тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилиш, унинг матнини ишлаб чиқиш, дастлабки лойиҳани муҳокама қилиш ва охирига етказиш, унинг барча манфаатдор органлар ва ташкилотлар томонидан маъқулланиши босқичларини ўз ичига олади. Қонун лойиҳаси тайёрлаш ниҳоясига етганидан сўнг қонунчилик ташаббуси тартибида қонун

чиқарувчи органга кўриб чиқиш учун киритилади.

ҚОНУНИЙЛИК - Конституция ва барча қонунларга ҳамда улар асосида ва уларни амалга ошириш учун чиқарилган, уларга зид бўлмаган ҳужжатларга ҳамма давлат ва жамоат органларининг, мансабдор шахсларнинг, фуқароларнинг оғишмай амал қилишидир. Қонунийлик демократик ва ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, элементиدير.

ҚОНУНЧИЛИК - мавжуд барча қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг йиғиндисидир. Қонунчилик - қонун яратишдир. Бу маълум жараён ва тартиблардан иборат. Қонунчилик жараёни қонунчилик ташаббуси, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, қонунларни қабул қилиш, қонунни имзолаш, эълон қилишни ўз ичига олади. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи алоҳида шахс ва органларга берилиб, у Конституцияда (82-модда) белгилаб қўйилган. Лойиҳалар улар томонидан ёки уларнинг топшириғи билан тайёрланади. Лойиҳа Олий Мажлисида, унинг қўмита ва комиссияларида муҳокама қилинади, зарур деб топилса,

лойиҳа халқ муҳокамасига қўйилади. Конституциявий қонунлар депутатларнинг учдан икки қисми овози билан қабул қилинади. Олий Мажлисда қабул қилинган қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб эълон қилинади. Агар қонуннинг ўзида уни кучга кириш муддати кўрсатилмаган бўлса, у эълон қилинган кундан бошлаб кучга қиради.

ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ - қонунларни яратиш бўйича қонун чиқарувчи орган фаолиятининг тартиби бўлиб, одатда у Конституция ва тегишли вакиллик органининг регламентида мустаҳкамланади. Қонунчилик жараёни учун аниқ юридик регламентациянинг бўлиши характерлидир. Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни тўртта босқичдан иборат. Биринчиси - қонун лойиҳасини киритиш - қонунчилик ташаббуси, иккинчиси - Олий Мажлисда унинг қўмита ва комиссияларида қонун лойиҳасини муҳокама қилиш, учинчиси - Олий Мажлис томонидан қонуннинг қабул қилиниши ва ниҳоят тўртинчиси - қонуннинг Президент томонидан имзоланиши ва халққа эълон қилиниши.

ҚОНУНЧИЛИК ОРГАНЛАРИ - давлат

вакиллик коллегиялар муассасалари бўлиб, Конституцияда уларга давлатнинг асосий функцияларидан - қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш юклатилади. Бундан ташқари, қонунчилик органларига одатда давлат бюджетини тасдиқлаш, ижро ҳокимияти органлари устидан назорат қилиш, шунингдек, муайян доирадаги юқори мансабдор шахсларни (судлар, обмудсман) сайлаш, халқаро битим ва шартномаларни ратификация ҳамда денонсация қилиш ҳуқуқлари берилган. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис - қонунчилик органи ҳисобланади.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ - Қонунчилик муассасасига (Парламентга) белгиланган тартибда қонун лойиҳасини тақдим этиш. Замонавий давлатларда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига, одатда, парламент депутатлари, парламент қўмиталари, ҳукумат, давлат бошлиғи ва умуммиллий компетенцияли алоҳида идоралар эгадирлар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг Президенти, шунингдек, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакил-

лик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

ҚОНУНЧИЛИК ҲОКИМИЯТИ - ҳокимият бўлиниши принципи ва назариясига мувофиқ давлатнинг уч ҳокимият тармоғидан бири. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ҳ

ҲАРБИЙ СУДЛАР - кўп давлатларда ҳарбий хизматчилар жиноятлари ва бир қанча бошқа тоифадаги шахслар (масалан, оддий фуқаронинг ҳарбий объектлар ҳудудида содир этган)нинг жиноятларини кўриб чиқиш учун ихтисослаштирилган суд органлари ёки алоҳида тоифадаги судлар. Ўзбекистонда Ҳарбий суд Олий суд тизимига киради. Ҳарбий судлар тизими қонун билан белгиланади.

ҲАРБИЙ ҲОЛАТ - фавқулодда вазиятларда ўрнатиладиган ва давлат мудофааси ёки жамоат тартиби, давлат хавфсизлигини таъминлаш учун фавқулодда чора-тадбирларни қўллаш билан характерланадиган алоҳида ҳуқуқий режим. Ҳарбий ҳолат давлат ҳокимиятининг тегишли ваколатли органининг қарори билан алоҳида ҳолатларда жорий қилинади. Ҳарбий ҳолат бутун мамлакат ҳудудида жорий қилиниши мумкин. Ҳарбий ҳолат пайтида ҳарбий идораларга маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат ва жамоат муассасалари ҳамда ташкилотларига фармойиш бериш ҳуқуқи берилади. Фуқароларнинг бир қанча ҳуқуқлари чекланиб турилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 17-бандига кўра, Ўзбекистон Президенти республикамизга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади, қабул қилган қарорини уч кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасдиғига киритади.

ҲОКИМ - Ўзбекистон Республикасида жойлардаги олий мансабдор шахс, маҳаллий ва-

киллик ва ижро ҳокимияти бошлиғи. Ҳокимлар маҳаллий вакиллик ҳокимиятини ҳам бошқаради, яъни уларни ишини ташкил этади. Ҳокимлар вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда мавжуддир. Уларнинг ваколат муддати беш йил. Вилоятларнинг ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланиб, лавозимдан озод қилинади ва бу масала тегишли халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳар ҳокимлари юқори турувчи ҳоким томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади ҳамда бу масала тегишли халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқланади. Ҳокимлар яккабошчилик принципида иш олиб боради ва уларнинг чиқарган ҳужжатлари шу ҳудудда бажарилиши шарт. Ҳокимлик фақат яккабошчилик бошқарувигина эмас, кучли масъулият ҳамдир. Ҳоким фақат ўзининг қарорларигина эмас, ўзи раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун ҳам шахсан жавобгардир.

ҲОКИМИЯТ БЎЛИНИШИ ПРИНЦИПИ - бу принцип ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидандир. Бу принцип орқали аслида

ягона бўлган давлат ҳокимияти тармоқларга бўлинган ҳолда амалга оширилади. У давлат ўз вазифасини малакали амалга оширишини таъминлайди. Шу тамойил асосида давлат органлари ташкил қилинади, бирор-бир давлат органида ҳаддан ташқари ваколатлар тўпланиб қолишининг олди олинади, турли давлат органларининг ваколатлари аниқ бўлиб, улар бир-бирининг вазифасини бажаришга, ўрнини босишга ҳаракат қилмайди, турли давлат органлари бир-бирини назорат қилиб туради, ваколатлар бир ерда тўпланиб қолмайди. Бундан оқибат натижада фуқаролар манфаатдор бўлади. Ҳокимиятнинг бўлиниши принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида белгиланган бўлиб, унга асосан ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади.

ҲУКУМАТ - давлатнинг олий ижро органи. У коллегиячилик принципида иш юритади. Ҳукумат турли мамлакатларда турли номлар билан аталади, баъзи мамлакатларда ҳукумат, баъзиларида Вазирлар Кенгаши. Унинг ташкил бўлиши ҳам ҳар хил, баъзи мамлакатларда уни парламент тузади, баъзиларида Президент тузади. Ўзбекистонда

у Вазирлар Маҳкамаси деб номланган. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси - Ўзбекистон Президентиدير, демак, Президент ҳукуматнинг ҳам бошлиғидир. Ҳукумат таркибига Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва аъзолари киради. Ҳукумат аъзолари бўлиб республика марказий идораларининг бошлиқлари, яъни вазирлар, давлат кўмиталари раислари ва бошқалар ҳисобланади. Ҳукумат, яъни Вазирлар Маҳкамаси таркиби Президент томонидан тайинланиб, Олий Мажлис томонидан тасдиқланади ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига раҳбарлик қилади.

ҲУКУМАТ БОШЛИҒИ - давлат ҳокимиятининг олий ижро органи раҳбари, турли мамлакатларда ҳукумат бошлиғи турлича номланади: Бош вазир, Вазирлар Кенгашининг Раиси, Ҳукумат бошлиғи ва хоказолар. Бир неча мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам Президент ҳукумат бошлиғи - ҳисобланади.

ҲУҚУҚ - ушбу сўзнинг бир неча маъноси бўлиб, биринчидан, у давлат томонидан бажарилиши мажбурийлиги ўрнатилган юриш-туриш қоидалари, хатти-ҳаракатлардир. Иккинчидан, ҳуқуқ тушунчаси фуқа-

роларга нисбатан олинса, у уларга берилган имконият. Ҳуқуқ конституциявий ёки оддий ҳуқуқларга бўлинади. Конституциявий ҳуқуқлар конституциявий нормалар билан, оддий ҳуқуқлар оддий қонунлар билан белгиланади. Учинчидан, ҳуқуқ, ўз навбатида, тармоқларга бўлинади: конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва бошқалар; улар алоҳида ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилади.

ҲУҚУҚ БУЗИЛИШИ - ҳуқуқ нормаларига, яъни қонун ва бошқа ҳужжатларга риоя қилмаслик. Ҳуқуқ қасддан ёки эҳтиётсизликдан ҳам бузилиши мумкин. Бундан ташқари ҳуқуқ ҳаракат туфайли ёки ҳаракатсизлик туфайли ҳам бузилади. Ҳуқуқ оддий фуқаролар томонидан ҳам, мансабдор шахслар томонидан ҳам бузилиши мумкин. Кўп ҳолларда қонунларни билмаслик ҳам ҳуқуқ бузилишига олиб келади. Ҳуқуқ бузилиши турли жавобгарликларни келтириб чиқаради. Ҳуқуқ бузилиши тегишли органлар томонидан аниқланади ва унга нисбатан чоралар кўрилади. Бузилган ҳуқуқ қайта тикланади.

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР КАФОЛАТИ - ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оши-

шини, рўёбга чиқишини таъминловчи воситадир. Ҳуқуқ ва эркинликларни қонунларда ёзиб қўйиш билан чекланмай, шу қонунларда уларни амалга ошириш йўллари ҳам белгиланиши ҳуқуқий кафолат ҳисобланади. Конституциянинг 10-боби ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатларини белгилаб қўйган. Унга асосан ҳуқуқ ва эркинлик давлат, суд ҳокимияти томонидан кафолатланади, Ўзбекистон Президенти ҳам ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафилидир. Бундан ташқари ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга ошиши учун иқтисодий манбалар, имкониятлар ҳам зарур. Ана шу имкониятларнинг яратилиши иқтисодий кафолат ҳисобланади. Давлатимиз иқтисодий жиҳатдан қанчалик бақувват бўлса ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш имконияти шунчалик кучаяди.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ - давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги. Ҳуқуқий давлатда қўйидаги шартлар албатта бўлиши керак: халқ ҳокимиятининг амалга ошиши; шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳеч ким, шу жумладан, давлат томонидан ҳам ҳеч қандай ҳолда бузилмаслиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилига

амал қилиш; судларнинг мустақиллиги. Ҳуқуқий давлатда энг олий кадрият инсон ҳисобланади. Давлат фақат ҳуқуқ яратиб қолмай, ўзи ҳам ана шу ҳуқуқ нормаларига амал қилиши ҳуқуқий давлатнинг асосий хусусиятидир.

ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК - ҳуқуқий нормаларга риоя қилмаслик, уларни очикдан - очик бузиш натижасида вужудга келади. Қандай ҳуқуқ нормалари бузилса, шу ҳуқуқ бузилиши бўйича жавобгарлик вужудга келади. Масалан, маъмурий ҳуқуқ бузилса маъмурий жавобгарлик, жиноят ҳуқуқи бузилса жиноий жавобгарлик, фуқаролик ҳуқуқи бузилса мулкӣ жавобгарлик ва ҳоказо.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ - фуқароларнинг етукчилиги ва онглилигини кўрсатувчи мезон. Ҳуқуқий маданият тушунчаси ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаси, қонунларнинг аҳволи, ҳуқуқни амалга ошириш ишларини ташкил этиш даражаси, ҳуқуқнинг обрўйи сингари элементлардан ташкил топади. Ҳуқуқий маданиятга ҳуқуқ фанининг ривожланиш даражаси, ҳуқуқни ташвиқот қилишнинг қандай йўлга қўйилганлиги,

маданиятнинг умумий даражаси таъсир қилади. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онгнинг амалиёти, яъни ҳуқуқни қўллаш, амалиётга татбиқ этишдир. Шахс қанчалик ҳуқуқий билимга эга бўлмасин, қонун ва бошқа қоидаларга амал қилмаса, у жамият учун катта зарардир. Бу ҳуқуқий маданият-сизликдир.

ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР - ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар. Меҳнат, мулкӣ, пул-кредит муносабатлари ҳуқуқий муносабатларга киради.

ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР - ҳуқуқни белгиловчи, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалар. Улар турли кўринишда, шаклда намоён бўлади. Ҳуқуқий нормалар Конституцияда, қонунларда ва бошқа норматив ҳужжатларда баён қилинади.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ - кишиларнинг ҳуқуққа, қонунга, одил судловга бўлган муносабатларини ифодалайдиган қарашлар йиғиндиси. Ҳуқуққа ҳурматда бўлиш ёки ҳуқуқни менсимасликка таъсир қилади. Кишининг ҳуқуқий онги қанчалик кучли бўлса, ҳуқуқ нормаларининг ихтиёрий бажарилишига

олиб келади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий билимлар асосида шаклланади ва ҳуқуқий маданият орқали амал қилади.

ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ - ҳуқуқий нормалар қайд қилинган ҳужжатлар. конституция, Конституциявий қонунлар, қонунлар, фармонлар ва ҳокимият органларининг ҳужжатлари ҳуқуқ манбалари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири белгиланган тартибда, ваколатли органлар томонидан қабул қилинади ва кучга киритилади.

ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ - ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчилардир. Булар жисмоний шахслар (кишилар) ва юридик шахслар (идора, корхона, ташкилот, муассасалар) бўлиши мумкин. Турли ҳуқуқ тармоқларининг субъектлари ҳар хил бўлиши мумкин. Ҳуқуқ субъекти муомала лаёқатига эга бўлиши керак.

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ - ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган, бажарилиши ҳамма учун мажбурий тартиблар. Бу тартиб кўпчилик манфаатига мос бўлади ва давлат томонидан ўрнатилади.

ҲУҚУҚ ТИЗИМИ - ҳар бир мамлакатда мав-

жуд бўлган турли ҳуқуқ тармоқларининг йиғиндиси. Масалан, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва Ўзбекистондаги бошқа барча ҳуқуқлар бирлашиб, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимини ташкил этади. Жамиятнинг ривожланиши, ижтимоий муносабатларнинг кенгайиши, ҳуқуқ тизимининг ривожланишига таъсир қилса, ўз навбатида, мукамал ҳуқуқ тизимининг мавжуд бўлиши ижтимоий муносабатларни тўғри ва сифатли тартибга солишга олиб келади ва бу жамият тараққиётига ижобий таъсир қилади. Аксинча, ҳуқуқ тизимининг мукамал бўлмаслиги тараққиётга тўсқинлик қилиши мумкин.

Кўрсаткичлар

А

1. Абсентеизм.....	14
2. Авф этиш.....	14
3. Адлия (юстиция).....	15
4. Адолат (одиллик).....	15
5. Актив сайлов ҳуқуқи.....	16
6. Амнистия.....	16
7. Армия.....	17
8. Асосий қонун.....	18
9. Ахборот олиш эркинлиги.....	18
10. Ахлоқ.....	18
11. Ахлоқий нормалар.....	20

Б

12. Бевосита демократия.....	20
13. Билим олиш ҳуқуқи.....	20
14. Бирлашиш ҳуқуқи.....	21
15. Бош вазир.....	21
16. Бошқарув шакли.....	22
17. Бурч.....	22

В

18. Вазир.....	22
19. Вазирлар Маҳкамаси.....	22
20. Вазирлик.....	23
21. Вакиллик.....	23
22. Вакиллик демократияси.....	23
23. Вакиллик ҳокимияти.....	24
24. Ваколат.....	24

25. Вето.....	25
26. Виждон эркинлиги.....	26
27. Вояга етмаганлар.....	26

Д

28. Давлат.....	27
29. Давлат аппарати.....	28
30. Давлат байроғи.....	28
31. Давлат белгилари.....	29
32. Давлат бошлиғи.....	30
33. Давлатнинг бошқарув шакли.....	30
34. Давлат бюджети.....	31
35. Давлатнинг вазифаси.....	31
36. Давлат герби.....	32
37. Давлат ишларини бошқариш ҳукуқи.....	32
38. Давлат мадҳияси.....	33
39. Давлат органлари.....	33
40. Давлат рамзлари.....	34
41. Давлат суверенитети.....	34
42. Давлат тили.....	35
43. Давлатнинг тузилиш шакли.....	35
44. Давлат ҳокимияти.....	36
45. Давлат ҳукуқи.....	36
46. Давлат шакли.....	37
47. Дам олиш ҳукуқи.....	37
48. Демократик давлат.....	37
49. Демократия.....	38
50. Декларация.....	39
51. Депутат.....	39
52. Депутатлик дахлсизлиги.....	39
53. Депутат одоби.....	40

54.Депутат сайлови.....	40
55.Депутат сўрови.....	40
56.Депутатни чақириб олиш.....	41
57.Депутатнинг интизомий жавобгарлиги.....	41
58.Депутатнинг ҳуқуқий мақоми.....	42

Ё

59.Ёзишмаларнинг сир сақланиши.....	42
60.Ёш цензи.....	43

И

61.Ижод эркинлиги.....	43
62.Ижро органлари.....	44
63.Ижро этувчи ҳокимият.....	44
64.Ижро этувчи ҳокимият бошлиғи.....	45
65.Ижтимоий давлат.....	45
66.Ижтимоий таъминот ҳуқуқи.....	46
67.Ижтимоий тузум (тузилиши).....	46
68.Иммунитет.....	47
69.Инсон ва фуқароларнинг конституциявий бурчлари.....	47
70.Инсоннинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми.....	47
71.Инсон ҳуқуқлари.....	47
72.Инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафо- лати.....	48
73.Инсоннинг ҳуқуқий ҳолати.....	49
74.Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси....	49
75.Иқтисодий тизим.....	50
76.Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар.....	50

Й

77.Йиғилиш ўтказиш эркинлиги.....	50
-----------------------------------	----

К

78.Кворум.....	51
79.Компетенция (ваколат).....	51
80.Конституция.....	52
81.Конституция ва қонуннинг устунлиги.....	52
82.Конституция муқаддимаси.....	53
83.Конституциявий назорат.....	54
84.Конституциявий принциплар (Конституция принциплари).....	54
85.Конституциявий суд.....	54
86.Конституциявий тузум.....	56
87.Конституцияни шарҳлаш.....	57
88.Конституциявий қонун.....	57
89.Конституциявий қонунийлик.....	58
90.Конституциявий ҳуқуқ.....	58
91.Конституциявий ҳуқуқ манбалари.....	59
92.Конституциявий ҳуқуқ фани.....	59
93.Конституциявий ҳуқуқ тизими.....	60
94.Конституциявий ҳуқуқбузарлик.....	61
95.Конституциявий ҳуқуқ институтлари.....	61
96.Конституциявий ҳуқуқий муносабатлар.....	61
97.Конституциявий ҳуқуқий нормалар.....	62
98.Конституциявийлик.....	62
99.Конституционализм.....	62
100.Кўппартиявийлик.....	63
101.Кўчиб юриш ҳуқуқи.....	63

М

102.Мажоритар сайлов тизими.....	64
103.Марказий банк.....	64
104. Маъмурий-худудий тузилиш.....	65
105.Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш.....	65
106.Мехнат ҳуқуқи.....	66
107.Миллий тенг ҳуқуқлилиқ.....	67
108.Монархия.....	67
109.Мутлоқ монархия.....	68
110.Муқобил сайлов.....	68
111.Муқобил фуқаролик хизмати.....	69

Н

112.Никоҳ.....	69
113.Номзод кўрсатиш.....	69

О

114.Овоз бериш.....	70
115.Одил судлов.....	70
116.Оила.....	71
117.Олий Бош кўмондон.....	71
118.Олий Мажлис.....	72
119.Олий Мажлис Кенгаши.....	72
120.Олий Мажлис Раиси.....	73
121.Олий Мажлис кўмита ва комиссиялари.....	73
122.Олий суд.....	74
123.Омбудсман.....	75

П

124. Парламент.....	76
125. Парламент назорати.....	76
126. Парламент сессияси.....	77
127. Парламентар республика.....	78
128. Парламентаризм.....	79
129. Парламентни тарқатиб юбориш.....	79
130. Партиявий тизим.....	80
131. Пассив сайлов ҳуқуқи.....	80
132. Президент.....	81
133. Президентлик бошқаруви (правление).....	82
134. Президентлик Республикаси.....	83
135. Прокуратура.....	84

Р

136. Ратификация.....	84
137. Регламент.....	85
138. Республика.....	85
139. Референдум.....	86

С

140. Сайлов.....	87
141. Сайловлар.....	88
142. Сайлов квотаси.....	88
143. Сайлов комиссиялари.....	89
144. Сайлов компанияси.....	89
145. Сайлов корпуси.....	90

146. Сайлов округлари.....	90
147. Сайлов органлари.....	91
148. Сайлов тизими.....	92
149. Сайлов участкалари.....	92
150. Сайлов цензлари (сайловда чеклаш шарт- лари).....	92
151. Сайлов ҳукуқи.....	93
152. Сайловчи.....	94
153. Сайловчиларни рўйхатга олиш.....	94
154. Сиёсий партиялар.....	95
155. Сиёсий режим.....	96
156. Сиёсий ҳуқуқлар.....	96
157. Суверенитет.....	97
158. Суд.....	97
159. Суд тизими.....	98
160. Суд ҳокимияти.....	99
161. Судья.....	99
162. Судьяларнинг мустақиллиги.....	99
163. Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи (малакали тиббий ҳимоя).....	100
164. Сўз эркинлиги.....	100

Т

165. Табиий ҳуқуқ.....	101
166. Тадбиркорлик эркинлиги.....	101
167. Такрорий сайловлар.....	101
168. Тенг вакиллик.....	102
169. Тенг сайлов ҳуқуқи.....	102
170. Тенг фуқаролик.....	103
171. Туман.....	103

172.Тўғри сайлов ҳуқуқи.....	103
------------------------------	-----

У

173.Умумий сайлов ҳуқуқи.....	104
174.Умумхалқ муҳокамаси.....	104
175.Унитар давлат.....	105

Ф

176.Фавқулодда судлар.....	105
177.Фавқулодда ҳолатлар.....	106
178.Фармон.....	107
179.Федератив давлат.....	108
180.Фикрлаш эркинлиги.....	108
181.Фракция.....	109
182.Фуқаро.....	110
183.Фуқаро мажбурияти.....	110
184.Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган- лари.....	111
185.Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги.....	112
186.Фуқаролик.....	112
187.Фуқаролик жамияти.....	113
188.Фуқароликдан чиқиш.....	113
189.Фуқароликка эга бўлиш.....	114
190.Фуқаролик ҳуқуқи.....	115
191.Фуқароликни тан олиш.....	115
192.Фуқаросиз шахслар.....	116

Х

193.Халқ.....	117
---------------	-----

194.Халқ вакиллиги.....	117
195.Халқ депутатлари кенгашлари.....	118
196.Халқ суверенитети.....	118
197.Халқ ҳокимиятчилиги.....	119
198.Халқ ҳокимияти.....	119
199.Халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги ва тўғридан- тўғри ҳаракатда бўлиш принципи.....	120
200.Хўжалик суди.....	120

Ц

203.Цензура.....	121
------------------	-----

Ч

239.Чет эл фуқаролари.....	121
----------------------------	-----

Ш

201.Шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи.....	122
202.Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар.....	122

Э

204.Эркак ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги.....	123
---	-----

Ю

205.Юридик ёрдам олиш.....	124
206.Юридик шахс.....	124

Я

207. Ягона фуқаролик.....	125
208. Яшаш жойи.....	125
209. Яшаш жойи дахлсизлиги.....	125
210. Яшаш ҳуқуқи.....	126
211. Яширин овоз бериш.....	126

Ў

240. Ўзбекистон Республикаси Президенти.....	127
241. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати принциплари.....	128
242. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари.....	129
243. Ўзбекистон халқи.....	129

Қ

212. Қонун.....	130
213. Қонун лойиҳаси.....	130
214. Қонунийлик.....	131
215. Қонунчилик.....	131
216. Қонунчилик жараёни.....	132
217. Қонунчилик органлари.....	132
218. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи.....	133
219. Қонунчилик ҳокимияти.....	134

Ҳ

220. Ҳарбий судлар.....	134
221. Ҳарбий ҳолат.....	135
222. Ҳоким.....	135

223. Ҳокимият бўлиниш принципи.....	136
224. Ҳукумат.....	137
225. Ҳукумат бошлиғи.....	138
226. Ҳуқуқ.....	138
227. Ҳуқуқ бузилиши.....	139
228. Ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати.....	139
229. Ҳуқуқий давлат.....	140
230. Ҳуқуқий жавобгар.....	141
231. Ҳуқуқий маданият.....	141
232. Ҳуқуқий муносабатлар.....	142
233. Ҳуқуқий нормалар.....	142
234. Ҳуқуқий онг.....	142
235. Ҳуқуқ манбалари.....	143
236. Ҳуқуқ субъекти.....	143
237. Ҳуқуқ-тартибот.....	143
238. Ҳуқуқ тизими.....	144

Қайдлар

Қайдлар

Қайдлар

Қайдлар

Алишер Азизхўжаев, Озод Хусанов,
Худойкул Азизов

Конституциявий ҳуқуқ
(изоҳли луғат)

«Академия»
Тошкент 2001

Мухаррир Т.Соатова
Рассом Р.Султонов
Мусаххих Г.Абдуллаева
Техник муҳаррир, компьютерчи И.Розиқова
Нашр учун масъуллар Б.Шарипов, Д.Қобулова

Теришга берилди 6.02.2001й. Босишга рухсат этилди 23.02.2001.
Офсет босма. Бичими 70x90 1/32. Босма табағи 4,4.
Адади 50 000. Буюртма № 1723. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг
босмаҳонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.